

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ**

ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
САНОАТ НАМУНАЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ**

МЕЪЁРИЙ-УСЛУБИЙ ҲУЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент-2001

67.404.3

Саноат намуналарининг ҳуқуқий муҳофазаси соҳасидаги
меъёрий-услубий ҳужжатлар. ЎзР ДПИ, 2001 - 69 бет

Тўпلامда саноат намуналарининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисидаги
меъёрий-услубий ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар,
фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда
«Саноат намунасига Ўзбекистон Республикаси патенти, дастлабки
патентини беришга талабнома тузиш қоидалари» киритилган. Бундан
ташқари, тўпلامда саноат намуналарини патентлаш билан боғлиқ бўлган
божлар рўйхати, миқдори ва саноат намуналари бўйича хизматларга
муваққат тарифлар келтирилган.

Тўпلام кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

©Ўзбекистон Республикаси
Давлат патент идораси, 2001

20 04 4458	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston AII
---------------	---

W 30464
0

СЎЗ БОШИ

Харидор маҳсулот танлаётганда унинг фақат функционал, фойдали хусусиятларига эмас, балки ташқи кўриниши, безаги, жозибadorлигига ҳам аҳамият беради. Маҳсулотнинг сотилиши унинг ташқи кўринишига кўп даражада боғлиқдир, баъзи бир ҳолларда эса, (масалан, русмнинг тез ўзгаришида) безак ҳал қилувчи омилга айланади. Айни, маҳсулотларнинг ташқи безагини «маҳсулотлаштириш» саноат намуналарининг ҳуқуқий муҳофазасини белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Санъат ва саноатнинг кесишган жойидаги дизайнга иккита ҳуқуқий тартиб таъсир қилади. Бир томондан, гўзаллик моҳияти жиҳатидан барча бадиий асарларга қўлланиладиган муаллифлик ҳуқуқи меъёрлари бўйича дизайнни муҳофазалаш мақсадга мувофиқдир. Бошқа томондан намуналарни саноатда кўплаб ишлаб чиқаришни амалга оширишга йўналтириш жиҳатидан улар савдо талабига мослаштирилган ва саноат мулки принципларига асосланган ишончлироқ ҳуқуқий муҳофазага муҳтождирлар.

Саноат намуналари Париж конвенциясига аъзо кўпчилик давлатларда муҳофазаланади, лекин бу муҳофазанинг шакллари турличадир.

Ўзбекистонда саноат намуналарининг муҳофазаси патент ҳуқуқи тури бўйича амалга оширилади ва патент ҳамда дастлабки патент билан тасдиқланади. Патент, дастлабки патент мулк ҳуқуқини, эгаллик ҳуқуқини, уни тасарруф этиш ва ундан бошқа патент эгаларининг ҳуқуқларини бузмаган ҳолда ўз ҳошишига кўра фойдаланиш ҳуқуқини белгилайди.

Саноат намунасининг ҳуқуқий муҳофазасини яратиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни қонуний жиҳатдан тартибга солиш қатор ҳужжатлар билан амалга оширилади.

Мазкур тўпلامда саноат намуналарини яратиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуни (келгусида–Қонун);

«Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти, дастлабки патентини беришга талабнома тузиш Қоидалари» (келгусида – «Қоидалар»);

«Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарини патентлаш, маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун божлар»дан кўчирма;

«Давлат патент идорасининг патент-ахборот ва бошқа хизмат турларига муваққат тарифлар»дан кўчирма эълон қилинган.

«Қонун» саноат намуналарини муҳофазалашнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий асосларини ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

«Қоидалар» саноат намунасига патент, дастлабки патент беришга талабнома тузиш тартибини белгилайди.

Саноат мулки объектига талабнома топшириш, экспертиза ўтказиш, муҳофаза ҳужжатлари бериш ва берилган муҳофаза ҳужжатларини амалда сақлаш билан боғлиқ юридик ҳаракатлар ва тадбирларни амалга ошириш учун божлар ундирилади. Амалга ошириш учун бож ундириладиган ҳаракатлар рўйхати «Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарини патентлаш, маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун божлар»дан кўчирма ҳужжатида баён этилган.

Саноат намунасига талабнома тузишда саноат намуналари муаллифларига услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида Патент идораси пулли хизматлар кўрсатади. Пулли хизматлар кўрсатиладиган ишларнинг турлари «Давлат патент идорасининг патент-ахборот ва бошқа хизматлар турларига муваққат тарифлар»дан кўчирмада келтирилган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ИХТИРОЛАР, ФЙДАЛИ МОДЕЛЛАР ВА
САНОАТ НАМУНАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҚОНУНИ**

**(1994 йил 6 майдаги 1062-ХП -сонли қарори билан тасдиқланган,
1997 йил 12 декабрдаги 549-І-сонли қарори билан ўзгартиш ва
қўшимчалар киритилган)**

Ушбу Қонун ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланишнинг иқтисодий, ташкилий асослари ва тартибини белгилайди.

**І БОБ
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1-модда

Ушбу Қонун билан тартибга солинадиган муносабатлар

Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини (матнда бундан кейин саноат мулки объектлари деб юритилади) яратиш, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

Қорақалпоғистон Республикасида саноат мулки объектларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солиб борилади.

2-модда

Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идораси

Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идораси (матнда бундан кейин Патент идораси деб юритилади) ушбу Қонунга мувофиқ саноат мулки объектларини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади.

Патент идораси саноат мулки объектларига талабномаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар бўйича давлат илмий-техник экспертизасини ўтказди, уларни давлат рўйхатига олади, муҳофаза ҳужжатларини беради, расмий ахборотнома нашр этади, ушбу Қонуннинг қўлланишига оид қоидалар ва тушунтиришларни ишлаб чиқади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Патент идораси тўғрисидаги Низомга мувофиқ бошқа вазифаларни бажаради.

Патент идорасининг фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг манбаи Давлат бюджети маблағидан, патент божларидан, шунингдек Патент идораси томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва бериладиган материаллар учун олинадиган ҳақдан иборатдир.

3-модда

Саноат мулки объектларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (муаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисига (ворисларига) тегишли бўлади ҳамда патент, дастлабки патент (матнда бундан кейин патент, дастлабки патент деб юритилади) билан тасдиқланади.

Башарти, бир неча шахс бир-биридан мустақил равишда саноат мулки объектини яратган бўлса, патент, дастлабки патентга бўлган ҳуқуқ Патент идорасига биринчи бўлиб талабнома топширган шахсга тегишли бўлади.

Саноат мулки объектининг муаллифи, башарти ўзининг объектига нисбатан ғайриҳуқуқий равишда ўзлаштириш натижасида талабнома топширилган ёхуд патент, дастлабки патент олинган бўлса суд тартибида патент, дастлабки патент берилишига норозилик билдириш, ёхуд патент ёки дастлабки патентга бўлган ҳуқуқ эгаси (матнда бундан кейин патент эгаси деб юритилади) сифатида патент, дастлабки патент ўзига берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Дастлабки патент дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг, патент эса, объект моҳиятан экспертизадан ўтказилганидан сўнг берилади.

Ихтиро патенти ихтиронинг янгиллигини, ихтирочилик даражасини, патентнинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг ихтирога эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Саноат намунаси патенти саноат намунасининг янгиллиги ва ўзига хослигини, саноат намунасининг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг саноат намунасига эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Фойдали модель патенти унинг янгиллигини, фойдали моделнинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг фойдали моделга эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Патентнинг тўла ҳажмдаги ҳуқуқий муҳофаза ёки бу муҳофазанинг бир қисми ҳақиқий эмаслигини исботлаш вазифаси патентни ҳақиқий эмас деб даъво қилаётган томон зиммасига юкланади ва суд тартибида амалга оширилади.

Дастлабки патент патент эгасининг саноат мулки объектига эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи патент ёки дастлабки патент ҳақидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан бошлаб амалда деб ҳисобланади.

Устуворлик (приоритет) санасидан бошлаб ёки ушбу Қонун 18-моддасининг қоидаларига мувофиқ белгиланадиган бошқа санадан эътиборан ҳисобланганда ихтиро патенти йигирма йил мобайнида, саноат намунаси патенти ўн йил мобайнида, фойдали модель патенти беш йил мобайнида амал қилади.

Дастлабки патент устуворлик санасидан бошлаб ҳисобланганда беш йил мобайнида амал қилади.

Саноат намунаси патентининг ва фойдали модель патентининг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосига кўра Патент идораси томонидан тегишлича беш йилга ва уч йилга узайтирилиши мумкин.

Дастлабки патент билан муҳофазаланган саноат мулки объектига дастлабки патент эгасининг илтимосномасига кўра объект моҳиятан экспертизадан ўтказилганидан сўнг патент берилиши мумкин.

Ихтиро ҳамда фойдали модель патенти ва дастлабки патенти билан таъминланадиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми уларнинг формуласи билан, саноат намунаси патенти ва дастлабки патенти билан таъминланадиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми эса, буюмнинг (макетнинг, расмнинг) фото-суратларида акс эттирилган муҳим аломатлари мажмуи ёки (ва) уларнинг комбинацияси (матнда бундан кейин муҳим аломатлар мажмуи деб юритилади) билан белгиланади.

Давлат томонидан махфий деб топилган саноат мулки объектларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

4-модда

Халқаро шартномалар ва битимлар

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ёки битимларида ушбу Қонунда назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

II БОБ САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ПАТЕНТГА ЛАЁҚАТЛИЛИК ШАРТЛАРИ

5-модда

Ихтиронинг патентга лаёқатлилик шартлари

Ихтиро сифатида кўрсатилган объект, башарти у янги, ихтирочилик даражасига эга бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Ихтиро, башарти у техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, янги деб ҳисобланади.

Ихтиро, башарти у техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аён бўлмаса, ихтирочилик даражасига эга бўлади.

Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошқор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади.

Ихтиронинг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва қайтариб олинмаган талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Ихтиро, башарти уни саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда қўллаш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Башарти, ихтирога оид талабнома, шу ихтирога тааллуқли маълумот муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита ушбу маълумотни олган бошқа ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошқор қилинган санадан бошлаб олти ойдан кечиктирмай Патент идорасига топширилган бўлса, бу ҳолат ихтиронинг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган вазият сифатида эътироф этилмайди. Бундай ҳолда ушбу фактни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Курилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штаммлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, илгаридан маълум бўлган курилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штаммларининг янги мақсадда қўлланилиши ихтиро сифатида эътироф этилади.

Қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилмайди:

- илмий назариялар ва математика усуллари;
- хўжаликни ташкил этиш ва бошқариш усуллари;
- шартли белгилар, жадваллар, қодалар;
- ақлий операцияларни бажариш қодалари ва усуллари;
- электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар, бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва схема-лари;

- эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган маҳсулотларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;
- интеграл схемаларнинг топологиялари;
- ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;
- жамоат манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

6-модда

Фойдали моделнинг муҳофазага лаёқатлилиги шартлари

Фойдали модель сифатида кўрсатилган объект, башарти у янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Фойдали модель, башарти унинг муҳим аломатлари мажмуи техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, янги деб ҳисобланади.

Талабнома топширилган фойдали модель амалга ошириши мумкин бўлган вазифаларни бажара оладиган воситалар ҳақидаги ҳамма фойдалана оладиган барча маълумотлар, шунингдек уларни қўллашга доир маълумотлар техника тараққиёти даражасига киритилади.

Фойдали модель, башарти ундан амалда фойдаланиш имкони бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Башарти фойдали моделга оид талабнома, шу фойдали моделга тааллуқли маълумот муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёҳуд билвосита ушбу маълумотни олган бошқа ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор қилинган санадан бошлаб олти ойдан кечиктирмай Патент идорасига топширилган бўлса, бу ҳолат фойдали моделнинг янгилигига таъсир кўрсатадиган вазият сифатида эътироф этилмайди. Бундай ҳолда ушбу фактни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Амалиётбоп қилиб тайёрланган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари, шунингдек уларнинг таркибий қисмлари фойдали моделлар жумласига киради.

Қуйидагилар фойдали моделлар сифатида муҳофаза қилинмайди: усуллар, моддалар, микроорганизм штамлари, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, шунингдек уларнинг янги мақсадда қўлланилиши; ушбу Қонун 5-моддасининг тўққизинчи қисмида кўрсатилган объектлар.

7-модда

Саноат намунасининг патентга лаёқатлилиги шартлари

Саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект, башарти у янги, ўзига хос бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Саноат намунаси, башарти буюмнинг эстетик ва (ёки) эргономик хусусиятларини белгиловчи муҳим аломатлари мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган маълумотлардан аён бўлмаса, янги деб ҳисобланади.

Саноат намунасининг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва қайтариб олинмаган талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Саноат намунаси, башарти унинг муҳим аломатлари мажмуи буюм эстетик хусусиятларининг ижодий характери билан боғлиқ бўлса, асл ҳисобланади.

Саноат намунаси, башарти уни такрор-такрор ҳосил қилиш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб эътироф этилади.

Башарти саноат намунасига оид талабнома, шу саноат намунасига тааллуқли маълумот муаллиф талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита ушбу ахборотни олган бошқа ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор қилинган санадан бошлаб олти ойдан кечиктирмай Патент идорасига топширилган бўлса, бу ҳолат саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган вазият сифатида эътироф этилмайди. Бундай ҳолда ушбу фактни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Буюмнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган бадий-конструкторлик ечимлари саноат намунаси жумласига кирadi.

Қуйидагилар саноат намуналари сифатида эътироф этилмайди: матбаа маҳсулотлари;

меъморчилик объектлари (кичик меъморчилик шаклларида ташқари), саноат, гидротехника иншоотлари ва бошқа стационар иншоотлар;

суяқ, газсимон, сочилувчан ёки шунга ўхшаш моддалардан иборат ўзгарувчан шаклдаги объектлар;

буюмнинг фақат техник функцияси билан боғлиқ бўлган ечимлар;

маҳсулотларнинг жамоат манфаатларига, инсонпарварлик на аҳлоқ қоидаларига зид ечимлар;

III БОБ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ

8-модда

Саноат мулки объектнинг муаллифи

Саноат мулки объектини шахсий ижодий меҳнати билан яратган жисмоний шахс бу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Башарти, саноат мулкининг объекти бир неча жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати асосида яратилган бўлиб, улар ўртасида тузилган шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, уларнинг

барчаси бу объектнинг тенг ҳуқуқли муаллифи деб эътироф этилади.

Муаллифлик ҳуқуқий бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзгага ўтказилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади.

9-модда Патент эгаси

Саноат мулкининг объектига патент ёки дастлабки патент қуйидагиларга берилади:

саноат мулки объектнинг муаллифига (муаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

муаллиф ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан патент ёки дастлабки патент бериш тўғрисидаги талабномада ёки саноат мулки объекти рўйхатдан ўтказилгунга қадар Патент идорасига топширилган аризада кўрсатилган жисмоний ва (ёки) юридик шахсларга (улар рози бўлган тақдирда);

ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда иш берувчига;

хизматчи ўз хизмат вазифасини ёки иш берувчидан олган аниқ бир топшириқни бажариш муносабати билан яратган саноат мулки объектига патент ёки дастлабки патент олиш ҳуқуқига, агар бу ҳол улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчи эга бўлади.

Башарти иш берувчи билан муаллиф ўртасида ушбу модда иккинчи қисмидаги қоидалар назарда тутилган бўлмаса, муаллиф талабнома топшириш ва патент ёки дастлабки патентни ўз номига олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда иш берувчи саноат мулкининг тегишли объектдан ўз корхонасида патент эгасига шартномада белгиланадиган ҳақни тўлаган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Иш берувчи томонидан саноат мулки объекти маҳфий сақланадиган бўлса, у муаллифга мутаносиб миқдорда ҳақ тўлаши шарт, бу ҳақ миқдори шартнома асосида белгиланиб, мутлақ лицензиянинг бозор нарҳидан кам бўлмаслиги лозим.

Саноат мулки объектига патент ёки дастлабки патент, шунингдек уни олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади.

10-модда Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк давлат фонди

Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк давлат фонди (матнда бундан кейин Интеллектуал мулк давлат фонди деб юритилади) патент эгасининг давлат мулкига кирадиган ёки шартнома асосида олинadиган интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини рўёбга чиқаради ва давлат манфаатлари йўлида уларнинг амалга оширилишига қўмаклашади.

Интеллектуал мулк давлат фонди фаолиятини маблағ билан таъминлаш манабаи саноат мулки ва интеллектуал мулкнинг бошқа турлари объектларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензия сотилишидан тушадиган маблағларнинг бир қисмидан, давлат бюджети маблағлари ҳамда бошқа тушумлардан иборатдир.

Интеллектуал мулк давлат фонди ўз фаолиятини ушбу Қонун ва Вазирлар Маъкамаси тасдиқлайдиган уставга биноан амалга оширади.

IV БОБ САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТИГА БЎЛГАН МУТЛАҚ ҲУҚУҚ

11-модда

Патент эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Патент эгаси саноат мулки объектига ўз хоҳишича эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳамда ундан фойдаланиш, башарти бундай фойдаланиш бошқа патент эгаларининг ҳуқуқларини бузмаса, шу жумладан бошқа шахсларнинг мазкур объектдан фойдаланишини тақиқлаб қўйиш мутлақ ҳуқуқига эгадир, бундай фойдаланиш ушбу Қонунга мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқини бузиш ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Бир неча патент эгасига қарашли бўлган саноат мулки объектдан фойдаланиш борасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасида тузилган битимга биноан белгиланади. Бундай битим бўлмаган тақдирда, ҳар бир патент эгаси муҳофазаланган саноат мулки объектдан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин, лекин қолган патент эгаларининг розилигисиз объектига оид лицензия беришга ёки патент ёки дастлабки патентни ўзга шахсга топширишга ҳақли эмас.

Патент эгалари ўртасидаги низолар ўзаро муросага келишнинг иложи бўлмаса, суд тартибида ҳал қилинади.

Патент эгаси фойдаланилаётган саноат мулки объектларига патент берилганлигини кўрсатувчи огоҳлантиргич тамгадан фойдаланиши мумкин.

Патент эгаси саноат мулки объектдан фойдаланиши шарт.

Патент ёки дастлабки патент рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил мобайнида патент эгаси саноат мулки объектдан бутунлай ёхуд етарли даражада фойдаланмаса, ушбу муҳофаза этилаётган саноат мулки объектдан фойдаланмоқчи ва фойдаланишга тайёр бўлган ҳар қандай шахс, башарти патент эгаси у билан лицензия шартномаси тузишдан бош тортган тақдирда, мажбурий оддий лицензия беришни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат этиши мумкин.

Башарти патент эгаси саноат мулки объектдан бутунлай ёки етарли даражада фойдаланилмаганлигига узрли сабаблар борлигини исботлаб бера

олмаса, суд айтилган лицензияни бериб, ундан фойдаланиш меъёрларини, тўлов миқдори, муддати ва тартибини белгилаб қўяди. Тўлов миқдори лицензиянинг бозор нархидан кам бўлмаслиги лозим.

12-модда

Патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайдиган ҳаракатлар

Қуйидаги ҳоллар, патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилмайди:

Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган саноат мулки объектларидан таркиб топган қурилмаларни Париж конвенцияси қатнашчиси бўлган бошқа давлатнинг транспорт воситасида, мазкур восита Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча ёки тасодифан турган вақтда қўллаш - бу қурилмалардан фақат мазкур воситанинг эҳтиёжлари учунгина фойдаланиш шарти билан;

патентлар ёки дастлабки патентлар билан муҳофазаланган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажрибалар ўтказиш;

патентлар ёки дастлабки патентлар билан муҳофазаланган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни табиий офатлар, фалокатлар, эпидемия ва бошқа фавқулодда ҳолатларда қўллаш;

патентлар ёки дастлабки патентлар билан муҳофазаланган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни, башарти, бу воситалар хўжалик муомаласига қонуний йўл билан киритилган бўлса қўллаш;

патентлар билан муҳофазаланган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай шахсий мақсадларда қўллаш;

дорихоналарда врач рецептлари бўйича бир галлик дорилар тайёрлаш.

13-модда

Патент эгаси мутлақ ҳуқуқларининг бузилиши

Патент ёки дастлабки патент билан муҳофазаланган саноат мулки объектларидан ушбу Қонун 11 ва 31-моддаларида назарда тутилган қондаларга ҳилоф равишда фойдаланувчи ҳар қандай шахс патент эгасининг мутлақ ҳуқуқларини бузувчи ҳисобланади.

Патентланган ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасида фойдаланган ҳолда рухсатсиз маҳсулот тайёрлаш, уни қўллаш, импорт қилиш, сотувга таклиф этиш, сотиш, фуқаро муомаласига ўзга тарзда киритиш ёки шу мақсадда уни сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан қўриқланадиган усулда бевосита тайёрланган маҳсулотни фуқаро муомаласига киритиш ёхуд шу мақсадда сақлаб туриш патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузиш деб эътироф этилади.

Саноат мулки объектдан патент эгасининг ҳуқуқларига ҳилоф равишда фойдаланаётган шахслар патент эгаси талабига биноан:

патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузаётган ҳаракатларни тўхта-тишлари;

патент эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашлари шарт. Зарар ўрнига патент эгаси ҳуқуқбузардан шу ҳаракати орқасидан олган даромадини ундириб олишга ҳақлидир.

V БОБ ПАТЕНТ ЁКИ ДАСТЛАБКИ ПАТЕНТ ОЛИШ

14-модда

Патент ёки дастлабки патент бериш сўралган талабномани топшириш

Патент ёки дастлабки патент бериш сўралган талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (матнда бундан кейин талабнома берувчи деб юритилади) томонидан Патент идорасига топширилади.

Патент ёки дастлабки патент сўралган талабномага белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки бож тўлашдан озод қилишнинг ёҳуд бож миқдорини камайтиришнинг асослари илова қилинади.

Саноат мулки объектларига оид талабнома ҳужжатларига доир бошқа талаблар Патент идораси томонидан белгиланади.

Талабнома шахсан ёки Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакили орқали топширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшаётган жисмоний шахслар ёки ажнабий юридик шахслар патент олиш ва уни кучда сақлаб туриш бўйича Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакиллари орқали иш олиб борадилар. Патент вакилининг ваколатлари талабнома киритувчи томонидан берилган ишонч қоғози билан тасдиқланади.

15-модда

Ихтирога патент ёки дастлабки патент берилиши сўралган талабнома

Ихтирога патент ёки дастлабки патент берилиши сўралган талабнома (матнда бундан кейин ихтирога оид талабнома деб юритилади) битта ихтирога ёки ягона ихтирочилик фикрини (ихтиро бирлиги талаби) ташкил қилиб, бир-бири билан узвий боғланган ихтиролар гуруҳига тегишли бўлиши керак.

Ихтирога оид талабнома ўз ичига қуйидагиларни олади:

ихтиро муаллифи (муаллифлари) ва номига патент ёки дастлабки патент берилиши сўралаётган шахс (шахслар), шунингдек уларнинг яшаш ёки

турар жойи кўрсатилиб, патент ёки дастлабки патент бериш сўралган ариза;
ихтиронинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ баён этилган тавсифи;
ихтиро моҳиятини акс эттирувчи ва унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган ихтиро формуласи;
ихтиро моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материаллар;
реферат.

16-модда

Фойдали моделга патент берилиши сўралган талабнома

Фойдали моделга патент берилиши сўралган талабнома (матнда бундан кейин фойдали моделга оид талабнома деб юритилади) битта фойдали моделга ёки ягона ижодий фикрни (фойдали модель бирлиги талаби) ташкил қилиб бир-бири билан узвий боғланган фойдали моделлар гуруҳига тегишли бўлиши керак.

Фойдали моделга оид талабнома ўз ичига қуйидагиларни олади:

фойдали модель муаллифи (муаллифлари) ва номига патент берилиши сўралаётган шахс (шахслар), шунингдек уларнинг яшаш ёки турар жойи кўрсатилиб, патент бериш сўралган ариза;

фойдали моделнинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ баён этилган тавсифи;

фойдали модель моҳиятини акс эттирувчи ва унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган фойдали модель формуласи;

башарти фойдали модель моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материаллар;

реферат.

17-модда

Саноат намунасига патент ёки дастлабки патент берилиши сўралган талабнома

Саноат намунасига патент ёки дастлабки патент берилиши сўралган талабнома (матнда бундан кейин саноат намунасига оид талабнома деб юритилади) битта саноат намунасига тегишли бўлиши керак ва у шу намуна вариантларини (саноат намунаси бирлиги талаби) қамраб олиши мумкин.

Саноат намунасига оид талабнома ўз ичига қуйидагиларни олади:

саноат намунасининг муаллифи (муаллифлари) ва номига патент ёки дастлабки патент берилиши сўралаётган шахс (шахслар), шунингдек уларнинг яшаш ва турар жойлари кўрсатилиб, патент ёки дастлабки патент бериш сўралган ариза;

буюмининг ўзи, унинг макети ёки расмининг буюм ташқи кўриниши ҳақида тўлатўқис, бор тафсилоти билан тасаввур берувчи туркум фотосуратлари;

башарти саноат намунасининг моҳиятини очиш учун зарур бўлса, буюм умумий кўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конференцион харитаси;

саноат намунасининг ундаги муҳим аломатлар мажмуини ўз ичига олган тавсифи.

18-модда

Саноат мулки объекти устуворлиги

Саноат мулки объекти устуворлиги талабнома ушбу Қонун талабларига мувофиқ ҳолда расмийлаштирилиб Патент идорасига топширилган кундан бошлаб белгиланади.

Устуворлик:

саноат мулкини муҳофаза қилиш Париж конвенцияси қатнашчиси бўлган бошқа давлатда (конвенция устуворлиги) берилган биринчи талабномада қайд этилган санага кўра, башарти Патент идорасига ана шу санадан бошлаб ихтирога, фойдали моделга оид талабнома ўн икки ой ичида, саноат намунасига оид талабнома эса олти ой ичида топширилган бўлса, белгиланади. Башарти конвенция устуворлиги сўралган талабнома уни берувчига боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра белгиланган муддатда топшириб улгурилмаса, бу муддат Патент идораси томонидан узоғи билан яна икки ойга узайтирилиши мумкин. Конвенция устуворлиги ҳуқуқидан фойдаланиш истагидаги талабнома берувчи ўзининг ана шу истагини талабномани топшириш пайтида кўрсатиши ва (ёки) зарур материалларни талабнома топширилган санадан бошлаб уч ойдан кечиктирмай Патент идорасига тақдим этиши лозим;

Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича давлатлараро битимларга мувофиқ топширилганига айна ўхшаш биринчи талабнома топширилган санага кўра, башарти ушбу талабнома унинг эгаси томонидан қайтариб олиниб, устуворлик санаси билан Патент идорасига талабнома тушган сана ўртасидаги вақт ихтиро учун ўн икки ойдан ва саноат намунаси учун олти ойдан ошмаган бўлса, белгиланади;

Қўшимча материаллар топширилган санага кўра, башарти талабномага илова қилинган қўшимча материаллар талабнома қаратилган ихтиро моҳиятини ўзгартириб юбориши ва шу сабабга кўра улар қабул қилинмаслиги Патент идораси томонидан талабнома берувчига маълум қилинган санадан бошлаб уч ой муддат ичида талабнома берувчи томонидан қўшимча материаллар мустақил талабнома тарзида расмийлаштирилган бўлса, белгиланади;

шу талабнома берувчининг Патент идорасига бирмунча олдин тақдим этган, ушбу саноат мулки объектнинг моҳиятини очиб берувчи талабномаси топширилган санага кўра, башарти устуворлик сўралган талабнома бирмунча олдин берилган талабнома келиб тушган санадан бошлаб ихтиро ва фойдали модель юзасидан ўн икки ой ва саноат намунаси юзасидан олти ой ичида топширилган бўлса, белгиланади. Бунда бирмунча олдин топширилган талабнома қайтариб олинган деб ҳисобланади.

Башарти экспертиза жараёнида саноат мулки объектларига айна ўхшаш талабномаларнинг устуворлик саналари бир хиллиги аниқланса, у ҳолда патент ёки дастлабки патент Патент идорасига олдинроқ жўнатилганлиги исботланган талабнома бўйича, борди-ю жўнатилган саналари ҳам бир хил бўлиб чиқса, Патент идорасида келган ҳужжат сифатида қайси бири олдин қайд этилган бўлса, шу талабномага берилади.

Устуворлик бирмунча олдин устуворлик сўралган талабнома келиб тушган санага кўра белгиланиши мумкин эмас.

19-модда

Давлат илмий-техник экспертизаси

Саноат мулки объектга оид талабнома бўйича Патент идораси расмий экспертиза, дастлабки экспертиза ёки моҳиятан экспертизадан иборат бўлган давлат илмий-техник экспертизасини ўтказади.

Талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой мобайнида талабнома берувчи талабнома берилаётган саноат мулки объектнинг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда унга тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар киритиш ҳуқуқига эга.

Саноат мулки объектга оид талабномага тузатишлар, аниқликлар киритиш ёки қўшимча материаллар тақдим этиш, бож тўлаш шарти билан, мазкур муддат ўтганидан кейин ҳам, бироқ муҳофаза ҳужжатини бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар амалга оширилиши мумкин.

Белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган талабнома юзасидан талабнома берувчига сўров юборилиб, шу сўровни олган санадан бошлаб икки ой муддат ичида тузатилган ёки етишмайдиган материалларни топшириш таклиф қилинади.

Башарти талабнома берувчи мазкур муддатда сўралган материалларни тақдим этмаса ёки белгиланган муддатни узайтириб бериш тўғрисида илтимоснома топширмаса, талабнома қайтариб олинган ҳисобланади. Саноат мулки объекти бирлиги талаблари бузилган ҳолда берилган талабнома юзасидан талабнома берувчига тегишли сўров олган санадан бошлаб икки ой муддат ичида ушбу объектлардан қайси бири кўриб чиқилиши лозимлигини хабар қилиш ҳамда талабнома ҳужжатларига тегишли аниқликлар киритиш таклиф қилинади. Дастлабки талабнома ма-

териалларига киритилган бошқа объектлар мустақил талабномалар тарзида расмийлаштирилиши мумкин.

Башарти талабнома берувчи саноат мулки объекти бирлиги талаблари бузилганлиги ҳақида сўров олганидан сўнг икки ой ичида ушбу объектлардан қайси бири кўриб чиқилиши лозимлигини хабар қилмаса ва аниқлик киритилган материалларни тақдим этмаса, ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунаси тавсифида биринчи бўлиб кўрсатилган объект экспертизадан ўтказилади.

Талабнома берувчи саноат мулки объекти тегишли Давлат реестрида қайд қилинганга қадар экспертизанинг исталган босқичида патент ёки дастлабки патент сўралган талабномани қайтариб олиши мумкин.

Патентлар ёки дастлабки патентлар сўралган талабномаларга доир материаллардаги маълумотлар Патент идорасида махфий сақланиши керак ва улар ҳақидаги ахборотлар талабнома берувчи ёки патент эгасининг розилигисиз берилмайди. Патент ёки дастлабки патент ҳақидаги маълумотлар расмий равишда эълон қилинганга қадар талабномаларга доир материаллардаги ахборотларни ошкор этганлик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Патент идораси томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабномалар талабнома берувчиларга қайтарилмайди.

20-модда

Расмий ва дастлабки экспертизалар

Расмий экспертиза Патент идораси томонидан саноат объекти мулкига оид талабнома топширилган санадан бошлаб икки ойдан сўнг ўтказилади. Талабнома берувчининг илтимосига кўра расмий экспертиза мазкур муддат ўтмасдан бошланиши мумкин. Бу ҳолда талабнома берувчи илтимоснома берилган пайтдан бошлаб талабнома материалларига қўшимча бож тўланмасдан ўз ташаббуси билан тузатишлар ва аниқликлар киритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Талабномани расмий экспертизадан ўтказиш чоғида тақдим қилинган таклифнинг ҳуқуқий муҳофаза таъминланадиган саноат мулки объектларига қай даражада мослиги кўриб чиқилади ва унинг устуворлиги белгиланади.

Расмий экспертизанинг ижобий натижаси ва устуворлиги белгиланганлиги ҳақида талабнома берувчига хабар қилинади.

Дастлабки экспертиза Патент идораси томонидан ихтирога, саноат намунасига дастлабки патент ёки фойдали моделга патент бериш сўралган талабнома бўйича ўтказилади.

Дастлабки экспертиза ўтказиш чоғида кўрсатилган объектнинг талабнома берувчи томонидан тақдим этилган талабнома материалларида

келтирилган техника тараққиёти даражаси бўйича ёки (ва) Ўзбекистон Республикасининг патент ҳужжатлари бўйича янгилик ва саноатда қўллаш шартларига қанчалик мослиги текширилади.

Башарти талабномани дастлабки экспертизадан ўтказиш натижасида саноат мулки объектига оид талабнома материаллари қўйилаётган талабларга мос келиши аниқланса, Патент идораси дастлабки патент ёки патент бериш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда расмий хабар эълон қилади.

Башарти дастлабки экспертиза натижасида объект қўйилаётган талабларга мос эмаслиги аниқланса, Патент идораси дастлабки патент ёки патент беришни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарорни олган санадан бошлаб икки ой муддат ичида Патент идорасининг қарори устидан қарорни олган санадан бошлаб икки ой муддат ичида Патент идорасининг Апелляция кенгашига (матнда бундан кейин Апелляция кенгаши деб юритилади) шикоят бериши мумкин. Апелляция кенгаши шикоятни у тушган санадан бошлаб икки ой муддат ичида кўриб чиқиши лозим. Апелляция кенгашининг Патент идораси ваколат доирасидаги қарори узил-кесил ҳисобланади.

Талабномаларни расмий ва дастлабки экспертизалардан ўтказишнинг ушбу моддада белгиланган ва талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлари муддатлар узайтирилиши муқаррар қилиб қўйган сабаблар тасдиқланган ва бож тўланган тақдирда Патент идораси томонидан тикланиши мумкин.

Талабнома берувчи муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани ўтказиб юборилган муддат тугаган кундан бошлаб ўн икки ойдан кечиктирмай топшириши лозим.

Апелляция кенгашига мурожаат қилиш муддати тикланмайди.

21-модда

Моҳиятан экспертиза ўтказиш

Патент идораси ихтиро ва саноат намунасига патент бериш сўралган талабномани талабнома топширилган санадан бошлаб ўн икки ой ичида талабнома берувчи томонидан киритилиши мумкин бўлган илтимосномага кўра моҳиятан экспертизадан ўтказилади.

Моҳиятан экспертиза ўтказиш ҳақидаги илтимоснома беришнинг мазкур муддати бузилган тақдирда талабнома қайтариб олинган ҳисобланади.

Башарти талабномани моҳиятан экспертизадан ўтказиш натижасида талабнома берувчи таклиф қилган формула билан ифодаланган ихтиро сифатида таърифланган объект, муҳим аломатлар мажмуи сифатида ифодаланган саноат мулки сифатида таърифланган объект белгиланган талаб-

ларга мослиги аниқланса, Патент идораси патент бериш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда расмий хабар эълон қилади.

Талабнома берувчи ёки бошқа шахслар дастлабки патент сўралган талабномани топширган санадан бошлаб исталган пайтда, лекин дастлабки патентнинг амал қилиш вақти тугамасдан олдин берадиган илтимосномага кўра Патент идораси ихтиро ёки sanoat намунасининг патентга лаёқатлилик шартларига мувофиқ моҳиятан экспертиза ўтказади.

Башарти дастлабки патент билан муҳофазаланган sanoat мулки объектини моҳиятан экспертизадан ўтказишнинг тугаш муддати дастлабки патентнинг амал қилиш муддатидан узоқроқ бўлса, илтимоснома дастлабки патент эгаси томонидан берилиши шарти билан дастлабки патентнинг амал қилиш муддати моҳиятан экспертиза ўтказиш даврига тенг муддатга узайтирилади.

Бошқа шахслардан тушган илтимосномалар талабнома берувчига маълум қилинади.

Башарти талабнома берувчи моҳиятан экспертиза ўтказиш ҳақида мазкур муддатда илтимоснома топширмаса, ихтиро ёки sanoat намунасининг ҳуқуқий муҳофазаси дастлабки патентнинг амал қилиш муддати тугаши билан тўхтатилади.

Ихтиро ёки sanoat намунаси сифатида ифодаланган объектнинг патентга лаёқатлилик шартларига мос келмаслиги аниқланса, патент беришни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарорни олган санадан бошлаб уч ой муддат ичида Апелляция кенгашига шикоят бериши мумкин. Апелляция кенгаши шикоят тушган санадан бошлаб тўрт ой муддат ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Талабнома берувчи Апелляция кенгаши қарорига рози бўлмаса, қарорни олган санадан бошлаб олти ой муддат ичида Олий судга даъво билан мурожаат қилиши лозим. Олий суднинг қарори узил-кесил ҳисобланади.

Талабномаларни моҳиятан экспертизадан ўтказишнинг ушбу моддада белгиланган ва талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлари, муддатлар узайтирилишини муқаррар қилиб қўйган сабаблар тасдиқланган ва бож тўланган тақдирда Патент идораси томонидан тиклашни мумкин.

Талабнома берувчи муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани ўтказиб юборилган муддат тугаган кундан бошлаб ўн икки ойдан кечиктирмай топшириши мумкин.

Апелляция кенгашига мурожаат қилиш муддати тикланмайди.

22-модда

Талабномаларни ўзгартириш

Талабнома берувчи муҳофаза ҳужжати бериш ҳақида қарор қабул қилинганга қадар ихтирога оид талабнома, фойдали моделга оид талабномани эса ихтирога оид талабнома қилиб ўзгартиришга ҳақлидир.

Бундай ўзгартиришлар қилинганда биринчи талабноманинг устуворлиги сақланиб қолади.

Талабномаларни ўзгартириш тегишли бож тўлангандан сўнг амалга оширилади.

23-модда

Саноат мулки объектини рўйхатдан ўтказиш

Патент идораси патент ёки дастлабки патент бериш ҳақида қарор қабул қилгандан сўнг тегишли саноат мулки объектини Ихтиролар давлат реестри, Фойдали моделлар давлат реестри ёки Саноат намуналари давлат реестри рўйхатидан ўтказиши.

24-модда

Патент ва дастлабки патент тўғрисидаги маълумотларни расман эълон қилиш

Патент идораси саноат мулки объектлари рўйхатдан ўтказилганлигига доир маълумотларни ўз ичига олган расмий ахборотнома чиқаради.

Дастлабки патентлар билан муҳофаза этиладиган саноат мулки объектларининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотларни расман эълон қилиш уларга бошқа давлатда (давлатларда) патент олинганлиги муносабати билан объектлар устуворлиги санасидан бошлаб, ўн икки ойга вақтинча тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Эълон қилинадиган маълумотларнинг тўлиқ рўйхати ва таркибини Патент идораси белгилайди.

25-модда

Патент ва дастлабки патент бериш

Патент ва дастлабки патент бериш улар рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинганидан сўнг уч ой ўтгач, Патент идораси томонидан амалга оширилади.

Патент ва дастлабки патент Ўзбекистон Республикаси номидан берилади ҳамда Патент идораси раҳбари томонидан имзоланади.

Патент ёки дастлабки патент бир неча киши номига сўралганда битта муҳофаза ҳужжати берилади.

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқни Интеллектуал мулк давлат фондига топширган объект муаллифига Патент идораси унинг муаллифлигини тасдиқловчи ҳужжат беради.

Муҳофаза ҳужжати шаклини ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркибини Патент идораси белгилайди.

Берилган муҳофаза ҳужжатидаги кўзга яққол ташланиб турган ва техник хатоларни патент эгасининг талаби бўйича Патент идораси тузатади.

26-модда **Патент божлари**

Патент ёки дастлабки патент билан боғлиқ бўлган юридик ҳаракатлар ва тадбирлар амалга оширилганлиги учун патент божи ундирилади.

Патент божи олинадиган ҳаракатлар ва тадбирлар рўйхати, уларнинг миқдори ва тўлаш муддати, бож тўловидан озод қилиш, бож миқдорини камайтириш ёки олинган божни қайтариб беришнинг асослари Патент идораси томонидан Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор давлат бошқарув органлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Божлар талабнома берувчи, патент эгаси, шунингдек бошқа манфаатдор жисмоний ёки юридик шахс томонидан тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари божларни миллий пул бирлигида тўлайдилар. Бошқа давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари божларни, башарти, халқаро шартномалар ва битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, чет эл валютасида тўлайдилар.

Патент ёки дастлабки патентни кучда сақлаб гуриш божини тўлаш учун патент эгасига қўшимча бож тўлаш шарти билан олти ойлик имтиёзли муддат берилади.

Патент ёки дастлабки патент кучини сақлаб туриш учун бож ва қўшимча бож имтиёзли муддат давомида тўланмаса, саноат мулки объектига бўлган мутлақ ҳуқуқ йўқолади, патент ёки дастлабки патент эса белгиланган муддат тугаган кундан бошлаб бекор қилинади.

VI БОБ **ПАТЕНТ ЁКИ ДАСТЛАБКИ ПАТЕНТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШINI** **ТЎХТАТИШ**

27-модда

Патент ёки дастлабки патент юзасидан эътироз билдириш

Патентнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги хусусида патент ҳуқуқий муҳофазасининг тўлиқ ҳажмида ёки унинг бир қисми бўйича, исталган пайтда Олий судга қуйидаги асосларга кўра берилган даъво юзасидан баҳслашилиши мумкин:

муҳофазаланган саноат мулки объекти патентга лаёқатлилик шарт-ларига мос келмаган тақдирда;

талабнома материалларида ихтиронинг моҳияти етарли очиб берилмаган бўлса;

ихтиро формуласида ёки саноат намунасининг муҳим аломатлар мажмуида талабноманинг дастлабки материалларида бўлмаган белгилар мавжуд бўлса.

Дастлабки патент ёки патентнинг амал қилиши хусусида дастлабки патент ёки патент ҳуқуқий муҳофазасининг тўлиқ ҳажмида ёки унинг бир қисми бўйича Апелляция кенгашига берилган шикоят асосида:

ушбу модданинг биринчи қисмида келтирилган асосларга кўра;

фойдали модель формуласидаги муҳим аломатлар мажмуида талабноманинг дастлабки материалларида бўлмаган белгилар мавжуд бўлганда эътироз билдирилиши мумкин.

Апелляция кенгашининг шикоят бўйича Патент идораси ваколатлари доирасида чиқарган қарори узил-кесил ҳисобланади.

Берилган патент ва дастлабки патентлар бўйича саноат мулки объектига муаллифлик ва эгаллик ҳуқуқи (патент эгаси) хусусидаги низолар:

саноат мулки объекти муаллифи (муаллифлари) ёки патент эгаси (патент эгалари) нинг патентда нотўғри кўрсатилиши;

патент эгасида патент ёки дастлабки патентни олиш ҳуқуқи йўқлиги; гайриҳуқуқий равишда ўзлаштирилганлик факти асосларига биноан судда кўрилади.

Патент ёки дастлабки патентни бериш Апелляция кенгашига шикоят берилиши муносабати билан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Башарти низо судда қараб чиқиладиган бўлса, масала ҳал этилгунига қадар саноат мулки объектига доир иш юритилиши Патент идораси томонидан тўхтатиб қўйилади.

Апелляция кенгашининг чиқарган қарорига рози бўлмаган исталган томон қарор қабул қилинган санадан бошлаб олти ой муддат ичида Олий судга мурожаат қилиши мумкин.

28-модда

Патент ёки дастлабки патентнинг амал қилишини муддатидан илгари тўхтатиш

Патент ёки дастлабки патентнинг амал қилиши:

ушбу Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ патент ёки дастлабки патент амал қилмаётган деб топилса;

патент ёки дастлабки патент амалда сақлаб туриш учун тўланадиган бож ўз вақтида тўланмаса;

Патент идорасига патент эгаси томонидан берилган аризага асосан муддатидан илгари тўхтатилади.

Патент ва дастлабки патентнинг амал қилиши муддатидан илгари тўхтатилганлиги тўғрисидаги маълумот Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

VII БОБ САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

29-модда

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасида фойдаланиш

Ихтиронинг, фойдали моделнинг формула мустақил бандига киририлган ҳар бир белгиси ёки унга муқобил бўлган белги қўлланилган бўлса, маҳсулот (буюм) патент берилган ихтиро, фойдали моделдан фойдаланилган ҳолда тайёрланган, ихтиро патенти билан муҳофаза этиладиган усул эса, қўлланилган деб ҳисобланади.

Маҳсулотни олиш усулига берилган патентнинг амал қилиши айнан шу усул ёрдамида олинган маҳсулотга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Бунда инкорини исботловчи далиллар бўлмаса, бу янги маҳсулот патент берилган усулда олинган деб ҳисобланади.

Башарти маҳсулотда патент берилган саноат намунасининг барча муҳим аломатлари бўлса, у патент берилган саноат намунасида фойдаланилган ҳолда тайёрланган деб эътироф этилади.

30- модда

Аввал фойдаланганлик ҳуқуқи

Саноат мулки объектига оид талабнома устуворлиги санасига қадар унинг муаллифидан мустақил тарзда айнан ўхшаш бўлган ечимдан фойдаланган ёки шунга етарли даражада тайёргарлик кўрган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс кейинчалик ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирмаган тарзда, ундан бепул фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Аввал фойдаланганлик ҳуқуқи ўзга жисмоний ёки юридик шахсга ўхшаш ечимдан фойдаланилган ёки фойдаланишга етарли даражада тайёргарлик кўрилган ишлаб чиқариш билан биргаликдагина топширилиши мумкин.

31-модда

Саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш

Патент эгаси бўлмаган ҳар қандай шахс патент ёки дастлабки патент билан муҳофазаланган саноат мулки объектдан фақат патент эгасининг рухсати билан лицензия шартномаси асосида фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Патент эгаси саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай шахсга топширишга рози эканлиги тўғрисида Патент идорасига ариза бериши мумкин (очиқ лицензия). Бундай ҳолда Патент идораси бу хил аризалар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилганидан кейинги йилдан бошлаб, патентнинг амал қилишини сақлаб туриш учун тўланадиган бож ҳақи 50 фоизга камайтирилади.

Очиқ лицензияни сотиб олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан тўловлар ҳақида шартнома ёки мутлақ бўлмаган оддий лицензияни бериш тўғрисида шартнома тузиши шарт. Шартнома талаблари бўйича низолар хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Патент эгасининг очиқ лицензияга ҳуқуқ берилиши ҳақидаги аризаси қайтариб олинмайди.

Вазирлар Маҳкамаси миллий хавфсизлик манфаатларини кўзлаб патент эгасининг рухсатсиз унга мутаносиб миқдорда товон тўлаш шarti билан саноат мулки объектдан фойдаланишга рухсат бериши мумкин.

Товон миқдори тўғрисидаги низолар Олий хўжалик суди томонидан ҳал этилади. Башарти патент эгаси саноат мулки объектдан унинг таркибида бошқа жисмоний ёки юридик шахсга қарашли муҳофазаланган ўзга объект қўлланилиши туфайли фойдалана олмаса, патент эгаси мазкур шахсдан шартномада назарда тутилган талаблар асосида бу объектдан фойдаланишга лицензия беришни талаб қилишга ҳақлидир.

32-модда

Саноат мулки объектларидан фойдаланишнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши

Муаллифлар ва саноат мулки объектларидан фойдаланувчи хўжалик юритиш субъектларига солиқ солиш ва кредит беришда имтиёзли шартлар белгиланади, шунингдек уларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа имтиёзлар берилади.

33-модда

Саноат мулки объектини ўз ичига олган янги техникани ишлаб чиқиш ва етказиб беришга буюртма

Саноат мулки объектларидан фойдаланилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш учун корхонага буюртма берган давлат бошқарув органи, башарти уларга доир патентлар ёки дастлабки патентлар бошқа жисмоний ёки юридик шахсларга, шунингдек ажнабий патент эгаларига қарашли бўлса, етарли молиявий маблағ ажратиб, лицензия сотиб олинишини таъминлайди.

34-модда

Ихтиро муаллифларига мукофот пули бериш

Патент эгаси бўлмаган саноат мулки объектнинг муаллифи (муаллифлари) мазкур объектдан фойдаланилганлиги ёки унга доир лицензия сотилганлиги учун мукофот пули олишга ҳақлидир (ҳақлидирлар), ҳақ миқдори тўлаш шартлари ва тартиби иш берувчи, патент эгаси ёки уларнинг ҳуқуқий вориси билан тузилган шартнома асосида белгиланади.

Патент эгаси патент ёки дастлабки патентнинг амал қилиш муддати мобайнида саноат мулки объекти муаллифига қуйидагилар ҳисобидан ҳақ тўлайди:

объектдан фойдаланганликдан келадиган фойда (даромад) объектга тўғри келган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи;
лицензия тўловлари.

Лицензия шартномаси бўйича мукофот пули лицензия шартномасида кўрсатилган тўлов валютасида тўланиши мумкин.

35-модда

Саноат мулки объектларини яратиш ва улардан фойдаланишда кўмаклашган шахсларга мукофот пули тўлаш

Патент эгаси (лицензиар) ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида ёки шартнома асосида ишлаб, саноат мулки объектларини яратиш, улардан фойдаланиш, уларга лицензия сотишга кўмаклашган шахсларга (шу жумладан мазкур корхонада ишламаётган шахсларга) мукофот пули тўлашга ҳақлидир.

Мукофот пули саноат мулки объектдан фойдаланиш бошланган ёки лицензия сотиш натижасида тўлов маблағлари тушган санадан бошлаб икки йил мобайнида қуйидагилар ҳисобидан тўланади: объектдан фойдаланишда тушган фойда (даромад);

объектга тўғри келган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи;
лицензия тўловлари.

Лицензия шартномаси бўйича мукофот пули лицензия шартномасида кўрсатилган тўлов валютасида тўланиши мумкин.

VIII БОБ
МУАЛЛИФЛАР ВА ПАТЕНТ ЭГАЛАРИ ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ

36-модда

Муаллифларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари

Талабномани кўриб чиқишнинг исталган босқичида муаллиф ариза бериб, саноат мулки объектига махсус ном бериш ҳуқуқига эга.

Муаллиф саноат мулки объектини фойдаланишга тайёрлаш ишида шартнома асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Муаллифларнинг бошқа ҳуқуқ ва имтиёзлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Муаллифликни ўзлаштириш, ҳаммуаллифликка мажбур қилиш, саноат мулки объекти тўғрисидаги маълумотларни қонунга хилоф равишда ошкор қилиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

37-модда

Низоларни кўриб чиқувчи органлар

Саноат мулки объектларини кўриқлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ низолар:

Патент идорасининг Апелляция кенгаши; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

38-модда

Патент идорасининг Апелляция кенгаши

Апелляция кенгаши:

талабнома топширилган саноат мулки объектларига доир экспертиза хулосалари ва Патент идорасининг чиқарган қарорлари устидан тушган шикоятларни;

манфаатдор жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳофаза ҳужжатлар берилишига норозилик билдирган шикоятларни;

дастлабки патент ва патентларнинг амал қилишига норозилик билдирилган шикоятларни;

патентлар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги шикоятларни;

бошқа турдаги шикоятларни кўриб чиқади.

Апелляция кенгаши қарорлар қабул қилишда мустақил бўлиб, ўз фаолиятида ушбу Қонунга, Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган.

Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Апелляция кенгаши таркибига Патент идорасининг раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бош экспертлар киради.

Патент идораси ваколатлари доирасида фақат Апелляция кенгашигина саноат мулкининг талабнома топширилган ёки муҳофазаланган объектини давлат илмий-техник экспертизасидан қайта ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

39-модда

Низоларни суд тартибида кўриб чиқиш

Ўз ваколатларига мувофиқ:

Олий суд - патент берилганлиги ва патент юзасидан билдирилган эътирозлар тўғрисидаги, мажбурий лицензия берилганлиги тўғрисидаги низоларни;

барча инстанциядаги судлар - саноат мулки объектига муаллифлик тўғрисидаги, ундан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши тўғрисидаги, патент эгасини аниқлаш тўғрисидаги, аввал фойдаланганлик ҳуқуқи тўғрисидаги низоларни;

хўжалик судлари - патент эгасининг мулкый ҳуқуқлари тўғрисидаги, лицензия шартномаларининг ижроси тўғрисидаги, муаллифга мукофот пули тўлаш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқадилар.

40- модда

Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллиги

Саноат мулки объектларига нисбатан Патент идораси ва судда юридик ва жисмоний шахслар вакиллиги Патент вакиллари, давлат реестрида рўйхатдан ўтган патент вакили томонидан таъминланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Патент вакиллари тўғрисидаги Низомга мувофиқ тарзда малака синовидан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси (жисмоний шахс) патент вакили сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

IX. БОБ ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

41-модда

Саноат мулки объектларини бошқа давлатларда патентлаштириш

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари саноат мулки объектларини бошқа давлатларда патентлаштириш ҳуқуқига эгадирлар.

Саноат мулки объектларини патентлаштириш Патент идорасига талабнома топширилганидан кейин уч ой ўтгандан сўнг амалга оширилади.

Ушбу модданинг талабларини бузган ҳолда берилган патент ёки дастлабки патент ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва Патент идорасининг қарори билан бекор қилинади.

Саноат мулки объектини бошқа давлатда (давлатларда) гайри-ҳуқуқий равишда патентлаштирган ҳар қандай шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

42-модда

Бошқа давлатлар жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.А. КАРИМОВ

САНОАТ НАМУНАСИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАТЕНТИ, ДАСТЛАБКИ ПАТЕНТИНИ БЕРИШ УЧУН ТАЛАБНОМА ТУЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Мазкур «Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти, дастлабки патентини бериш учун талабнома тузиш қоидалари» (матнда бундан кейин - Қоидалар) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги 1063 – XII -сонли Қарори билан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунининг (матнда бундан кейин - Қонун) 2-модда 2-абзацига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат комитети Патент идорасининг (матнда бундан кейин - Патент идораси) саноат намунасига патент, дастлабки патент бериш учун талабнома (матнда бундан кейин – талабнома) тузиш тартибини белгилайдиган меъёрий ҳужжатдир.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

I.1. Саноат намунаси

(1) Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект, башарти у янги, ўзига хос бўлиб ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

(2) Саноат намунаси, башарти буюмнинг эстетик ва (ёки) эргономик хусусиятларини белгиловчи муҳим аломатлари мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳон оммасига ошкор бўлган маълумотлардан аён бўлмаса, янги деб ҳисобланади.

(3) Саноат намунаси, башарти унинг муҳим аломатлари мажмуи буюм эстетик хусусиятларининг ижодий характери билан боғлиқ бўлса ўзига хос деб ҳисобланади.

(4) Саноат намунасини, башарти унга мос келган буюмда ҳўжалик оборотига киритиш учун саноатда такрор ва такрор ҳосил қилиш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб эътироф этилади.

(5) Саноат намунасини тавсифлаш учун хусусан қуйидаги аломатлар қўлланилади:

- асосий композиция элементларининг мавжудлиги, таркиби ва сони;
- асосий элементларнинг шакли ва конфигурацияси;
- асосий элементларнинг ўзаро жойлашиши ва боғлиқлиги;
- асосий элементларнинг пластик белгилари;
- шу элементларнинг график, ранг ва колористик ечимлари жиҳати-дан белгилари;
- материал.

1.2. Саноат намуналарининг турлари

Саноат намуналарига буюмнинг ташқи кўринишини белгилайдиган бадий-конструкторлик ечимлари киради.

Саноат намуналари ҳажмий (моделлар), ясси (суратлар) ёки жамлама ифодаси кўринишида бўлиши мумкин.

Ҳажмий саноат намуналари асосида ҳажмий-фазовий структура ётган композиция, масалан, станок, қишлоқ хўжалик машинаси, мотор, телефон аппарати ва бошқаларнинг ташқи кўринишини белгилайдиган бадий конструкторлик ечимларидан иборат бўлади.

Ясси саноат намуналари элементларнинг чизикли-график боғла-ниши билан характерланади ва ҳажмга эга бўлмайди, уларга, масалан, гилам, рўмол, дуррача, газмол ва бошқаларнинг ташқи кўринишини белги-лайдиган бадий-конструкторлик ечимлар киради.

Жамлама ифодаси кўринишидаги саноат намуналари ҳам ҳажмий, ҳам ясси саноат намуналарига тегишли аломатлар билан тавсифланади, уларга масалан, сиртига сурат чизилган идиш-товоқлар, нақш чизилган оёқ кийими, маҳсулот ўрамлари, безакли қурилиш плиталари ва бошқаларнинг ташқи кўринишини белгилайдиган бадий-конструкторлик ечимлар киради.

1.3. Саноат намунаси бирлиги талаби

Талабнома битта саноат намунасига тегишли бўлиши ва бу саноат намунасининг вариантларини ўз ичига олиши мумкин.

Битта саноат намунаси деб, битта буюмга тегишли бадий-конструк-торлик ечими билан бир қаторда умумий вазифага эга бўлган буюмлар йиғмаси (масалан, мебель гарнитури, сервис ва бошқалар) тушунилади.

Битта буюм деб бирор бутун буюм, масалан автомобил билан бир қаторда, унинг бирор қисмини ташкил қилувчи буюм (масалан, бампер, фара ва б. қ.) тушунилади.

Саноат намунаси вариантлари деб битта буюмнинг (йиғма, комплек-тини) бир хил эстетик ва эргономик хусусиятларини белгилайдиган муҳим аломатлар мажмуи билан фарқланадиган бадий-конструкторлик ечим-лари тушунилади.

1.4. Патентга лаёқатли саноат намуналари деб тан олинмайдиган объектлар

Қонуннинг 7-модда 8-абзацига мувофиқ қуйидагилар:

нашриёт-матбаа маҳсулотлари;

меъморчилик объектлари (кичик меъморчилик шаклларида ташқа-ри), саноат, гидротехника ва бошқа кўчмас иншоотлар;

суюқ, газсимон, сочилувчан ва шуларга ўхшаш беқарор шаклдаги моддалардан иборат объектлар;
маҳсулотнинг фақат техник функциясидан келиб чиқадиган ечимлар;
маҳсулотларнинг жамият манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқий принципларига зид ечимлари

патентга лаёқатли саноат намуналари деб тан олинмайди.

II. САНОАТ НАМУНАСИГА ПАТЕНТ, ДАСТЛАБКИ ПАТЕНТ БЕРИШ УЧУН ТАЛАБНОМА

2.1. Талабнома таркиби

Қонуннинг 17-модда 2-абзацига мувофиқ талабнома қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси патенти, дастлабки патенти (матнда бундан кейин - муҳофаза ҳужжати) бериш тўғрисида саноат намунаси муаллиф(лар)и ва сўралаётган муҳофаза ҳужжати қайси шахс(лар)га берилиши ва у(лар)нинг жойлашган ўрни ёки манзилгоҳи кўрсатилган ариза;

буюмни тавсифловчи фотосуратлар тўплами, маҳсулотнинг ташқи кўриниши тўғрисида тўлиқ ва батафсил тасаавур берадиган макет ёки расм (расмнинг фотосурати ўрнига унинг бошқа бирор нусхаси берилиши мумкин);

саноат намунасининг муҳим аломатлари мажмуини ўз ичига олган тавсифи;

башарти саноат намунасининг моҳиятини очиш учун лозим бўлса, буюм умумий кўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конфекцион харитаси.

2.2. Талабномага илова қилинадиган ҳужжатлар

(1) Талабномага белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки бож тўлашдан озод этишни асословчи ҳужжат илова этилади. Бож белгиланган миқдордан кам тўланганда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатдан ташқари, унинг миқдорини камайтириш учун асосни тасдиқловчи ҳужжат ҳам топширилади.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар талабнома билан биргаликда топширилади.

(2) Патент вакили орқали бериладиган талабномага, унга талабнома берувчи томонидан берилган ва унинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки ишончноманинг нусхаси илова этилади.

Патент идораси олдида вакиллик қилиш учун Ўзбекистон Республикасида расмийлаштирилган ишончнома оддий ёзма шаклда бажарилади ва нотариус томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди. Ишончнома талаб-

нома билан бир вақтда ёки талабнома келиб тушган санадан бошлаб икки ой муддатдан кечиктирмай топширилади.

Ишончнома қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

ишончномага уни берган шахс имзо чекади;

ишончнома Патент идорасида патент вакили сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахс номига, рўйхатдан ўтказилган рақами кўрсатилган ҳолда берилади;

ишончномада патент вакилининг ваколати ҳажми кўрсатилиши лозим;

ишончномада уни берилган санаси кўрсатилиши лозим, бусиз ишончнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ишончноманинг амал қилиш муддати уч йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Агар ишончномада кўрсатилган амал қилиш муддати уч йилдан ортиқ бўлса, у берилган санадан бошлаб уч йил муддат давомида ҳақиқий деб ҳисобланади.

Агар ишончномада амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, ишончнома у берилган санадан бошлаб бир йил давомида ҳақиқий деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида расмийлаштирилмаган ишончнома, у қаерда берилмаётган бўлса ўша мамлакатнинг қонунларида кўзда тутилган тартибда расмийлаштирилади.

Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган патент вакилига Ўзбекистон Республикасининг ташқарисида яшовчи жисмоний шахснинг ёки чет эллик юридик шахснинг манфаатларига вакиллик қилиш учун ишончнома, шу шахснинг ўзи томонидан, шунингдек талабнома берувчи томонидан берилган тегишли ишончномага эга патент вакили томонидан берилиши мумкин. Бундай ҳолда, эслатиб ўтилган иккала ишончнома ёки уларнинг нусхалари топширилади.

Агар ишончнома Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган бир неча патент вакили номига берилган бўлса, у ҳолда талабнома бўйича ишлар уларнинг исталган бири томонидан олиб борилади.

Ишончномада ваколати кўрсатилган патент вакилининг ҳар қандай ҳаракати, талабнома берувчининг ҳаракати каби ҳисобланади.

(3) Конвенция устуворлиги талаб қилиб берилган талабномага (матнда бундан буён - конвенция талабномаси) саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига аъзо бўлган давлатда берилган биринчи талабноманинг нусхаси илова этилади (бундан буён - талабнома) ва бу талабноманинг ўзбек ёки рус тилига таржимаси конвенция талабномаси Патент идорасига келиб тушган санадан уч ой муддатдан кечиктирмай топширилади. Агар биринчи талабномалар бир нечта бўлса, уларнинг ҳамма нусхалари ва таржималари илова қилинади.

Биринчи талабнома берилган санадан 6 ой муддат ўтгач келиб тушган ариза бўйича, лекин 6 ойлик муддат ўтгандан сўнг икки ойдан кечиктирмай, конвенция устуворлиги сўралганда, талабномага талабнома берувчининг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда, белгиланган 6 ойлик муддат ичида талабнома беришга тўсқинлик қилган вазиятлар кўрсатилган ҳолда ва агар улар Патент идорасига маълум деб ўйлашга асос бўлмаса, бу вазиятлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Конвенция устуворлигини белгилаш тўғрисидаги илтимоснома талабнома бериш пайтида (муҳофаза ҳужжати тўғрисидаги аризининг тегишли графасида келтирилган) ёки талабнома Патент идорасига келиб тушган санадан бошлаб 2 ой муддат ичида топширилиши мумкин.

2.3. Ҳужжатларни топшириш

2.3.1. Талабнома тили

Муҳофаза ҳужжати бериш тўғрисидаги ариза ўзбек ёки рус тилида топширилади. Миллий талабнома берувчилар ёки МДХ мамлакатларидан талабнома берувчилар томонидан талабнома берилганда саноат намунасининг номи аризада ўзбек ва рус тилларида кўрсатилган бўлиши лозим. Чет эллик талабнома берувчилар томонидан талабнома берилганда саноат намунасининг номи ўзбек, рус ва инглиз тилларида кўрсатилган бўлиши лозим. Ҳорижий номлар ва корхоналарнинг номлари инглиз тилида кўрсатилган бўлиши, шунингдек ўзбекча ёки русча транслитерацияда берилиши лозим.

Талабноманинг бошқа ҳужжатлари ўзбек, рус ёки бошқа тилда топширилади.

Агар талабнома ҳужжатлари ўзга тилда топширилган бўлса, талабномага уларнинг ўзбек ёки рус тилидаги таржимаси илова қилинади. Ўзга тилда топширилган ҳужжатлар таржимаси, улар келиб тушган санадан бошлаб икки ой муддат ичида келиб тушган бўлса, ҳужжатлар Патент идорасига келиб тушган санадан бошлаб топширилган деб ҳисобланади, акс ҳолда ҳужжатлар уларнинг таржимаси келиб тушган кундан бошлаб топширилган деб ҳисобланади.

2.3.2. Нусхалар сони

Ушбу Қонданинг 2.1. бандида кўрсатилган ўзбек ёки рус тилида тузилган талабнома ҳужжатлари икки нусхада топширилади. Ўша ҳужжатларнинг ўзи, агар улар ўзга тилда тузилган бўлса ёки ўзга тилдаги ёзувлари бўлса, бир нусхада, уларнинг ўзбек ёки рус тилидаги таржимаси икки нусхада топширилади.

Бошқа ҳужжатлар ва уларнинг ўзбек ёки рус тилидаги таржимаси, агар улар ўзга тилда тузилган бўлса, бир нусхада топширилади.

Буюм, макет ёки расмнинг умумий кўриниш фотосурати олти нусхада, бошқа фотосуратлар икки нусхада топширилади.

III. ТАЛАБНОМА ҲУЖЖАТЛАРИ МАЗМУНИ

3.1. Патент, дастлабки патент бериш тўғрисидаги ариза

(1) Муҳофаза ҳужжати бериш тўғрисидаги ариза ушбу Қоидага илова қилинган шакл бўйича топширилади.

Агар баъзи бир маълумотларни тегишли графаларда тўлиқ жойлаштиришнинг иложи бўлмаса, у ҳолда уларни худди шундай шаклда қўшимча варақда аризанинг тегишли графасида: «*давомини қўшимча варақда қаранг*» деб кўрсатилган ҳолда келтирилади.

(2) Аризанинг «*ариза*» сўзидан юқорида жойлашган графалари ариза ҳужжатлари Патент идорасига келиб тушгандан кейинги маълумотларни кириштириш учун мўлжалланган ва ариза берувчи томонидан тўлдирилмайди.

(3) Муҳофаза ҳужжати бериш тўғрисидаги илтимосномани ўз ичига олган графада 71-код остида талабнома берувчи(лар) ҳақида маълумотлар: жисмоний шахснинг фамилияси, исми, (отасининг исми, агар бўлса), фамилия исмдан олдин ёзилган ҳолда, ёки юридик шахснинг расмий номи (таъсис ҳужжатида келтирилгани бўйича) ва шунингдек уларнинг яшаш жойи, жойлашган ўрни, мамлакатнинг расмий номи келтирилади. Саноат намунаси муаллифлари бўлган талабнома берувчиларнинг яшаш жойлари ҳақидаги маълумотлар ушбу графада келтирилмайди, балки аризанинг иккинчи бетида 97-код остида баён этилади. Сўнгра шу графада муҳофаза ҳужжати кимнинг номига сўралаётган бўлса, шу шахс(лар) тўғрисида худди шундай маълумотлар келтирилади.

Ўзбекистон Республикасининг ўз номига муҳофаза ҳужжати сўраётган корхона, ташкилотлар учун КТУТ коди, агар у белгиланган бўлса, кўрсатилади. Агар КТУТ коди белгиланмаган бўлса, у ҳолда тегишли жойда «*белгиланмаган*» деб кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи чет эл юридик ёки жисмоний шахслари учун Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) нинг ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди кўрсатилади.

Агар номларига муҳофаза ҳужжати сўралаётган шахслар ва ёки талабнома берувчилар бир нечта бўлса, кўрсатилган маълумотлар уларнинг ҳар бири учун алоҳида келтирилади.

Агар муҳофаза ҳужжати талабнома берувчи(лар) номига сўралаётган бўлса, у ҳолда номига муҳофаза ҳужжати сўралаётган шахс(лар)

тўғрисидаги маълумотлар ўрнига «... *нинг номига*» сўзларидан кейин «талабнома берувчи(лар)» сўзи келтирилади.

(4) Таркибида устуворликни белгилаш тўғрисидаги илтимоснома бўлган графа, фақат санаси талабнома Патент идорасига келиб тушган санадан анча илгариги устуворлик сўралаётганда тўлдирилади. Бу ҳолда тегишли катакларда «X» белгиси қўйиб чиқиш билан устуворликни сўраш учун асослар келтирилади ва қуйидагилар: устуворликни сўраш учун асос бўлган анча илгарироқ берилган талабноманинг рақами ва сўралаётган устуворлик санаси (анча илгарироқ берилган талабнома ёки у бўйича қўшимча материаллар келиб тушган сана) кўрсатилади.

Агар устуворлик бир неча талабномалар асосида сўралаётган бўлса, ҳамма талабномаларнинг рақамлари ва тегишли ҳолларда сўралаётган устуворликнинг бир нечта санаси кўрсатилади. Конвенция устуворлиги сўралаётганда, БИМТ нинг ST.3 стандарти бўйича биринчи талабнома топширилган мамлакат коди кўрсатилади.

(5) 54-код остидаги графада талаб қилинаётган саноат намунасининг номи кўрсатилади, бу ном саноат намунаси тавсифида келтирилган ном билан бир хил бўлиши лозим.

(6) 98-код остидаги графада почта орқали тез етказиб беришнинг оддий талабларига жавоб бериши лозим бўлган ёзишма учун манзилгоҳ, олувчининг исми ёки номи келтирилади ва телефон, телекс, факс (агар улар бўлса) рақамлари келтирилади.

Ёзишма учун манзилгоҳ сифатида Ўзбекистон Республикасида яшовчи талабнома берувчи (талабнома берувчиларнинг бири) - жисмоний шахснинг яшаш жойи ёки Ўзбекистон Республикасидаги талабнома берувчи - юридик шахснинг жойлашган ўрни ёки Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакилининг манзилгоҳи ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа бир манзилгоҳ кўрсатилиши мумкин.

(7) 74-код остидаги графа фақат, талабнома берилгунга қадар талабнома берувчи томонидан патент вакили тайинланган ҳолда тўлдирилади ва унинг тўғрисида қуйидаги маълумотлар: фамилияси, исми (отасининг исми, агар у бўлса), Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган рақами, манзилгоҳи, Ўзбекистон Республикасидаги жойлашган ўрни, телефон, телекс, факс (агар улар бўлса) рақамлари келтирилади.

(8) Аризанинг иккинчи варағида тегишли катакларга «X» белгисини қўйиш билан «*Йлова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати*» графаси тўлдирилади ва илова қилинаётган ҳужжатларнинг ҳар бир намунасида нусха ва бетлар сони кўрсатилади. Аризада тури кўзда тутилмаган («*бошқа ҳужжат*») ҳужжатлар учун уларнинг аниқ вазифалари кўрсатилади.

(9) «*Талабнома бериш ва муҳофаза ҳужжатини олиш учун ҳуқуқни вужудга келишига асослар графаси*»да «X» белгисини қўйиш билан талабнома бериш ва гувоҳнома олиш учун тегишли асос(лар) белгилаб

чиқилади. Бу графа муҳофаза ҳужжати талабнома берувчи(лар) номига сўралаётган ҳолда тўлдирилади, талабнома берувчи(лар) муаллифлар гуруҳига мос келган ҳоллар бундан мустасно.

(10) 72, 97 - кодлар остидаги графаларда саноат намунасининг муаллиф(лар)и тўғрисида маълумотлар: фамилияси, исми (отасининг исми, агар у бўлса), мамлакат номи, лавозими, илмий даражаси, иш жойи ва манзилгоҳи келтирилади.

(11) Агар муаллиф муҳофаза ҳужжати олиш ҳуқуқини бошқа шахсга топширган бўлса, 97 - кодга эга графадан ўнгроқда жойлашган графада унинг имзоси ва имзо қўйилган сана келтирилади.

(12) 72 ва 97 - кодларга эга графалар остидаги графа, муаллиф(лар) муҳофаза ҳужжати бериш тўғрисидаги маълумотларни босиб чиқариш пайтида у(лар)ни муаллиф сифатида эслатиб ўтмасликни сўраганларида тўлдирилади. Бу ҳолда керак бўлмаганлари ўчирилади ва нашр қилишда эса олинмасликни истаган ҳар бир муаллифнинг исми, фамилияси (ва отасининг исми, агар у бўлса) ва уларнинг имзолари келтирилади.

(13) (11) ва (12) графаларда тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар, ўша маълумотлар ва зарур имзоларга эга бошқа ҳужжатлар билан бирга ҳам берилиши мумкин. Кўрсатилган ҳужжатлар ариза билан бирга топширилади.

(14) Аризанинг охириги «Имзо» графасини тўлдиришда имзо қўйиш санасини кўрсатиш барча ҳоллар учун мажбурийдир. Ариза талабнома берувчи томонидан, шунингдек номига муҳофаза ҳужжати сўралаётган талабнома берувчи бўлмаган шахс томонидан ҳам имзоланади.

Юридик шахс томонидан бериладиган ариза ташкилот раҳбари томонидан унинг лавозими кўрсатилган ҳолда имзоланади ва имзо муҳр билан тасдиқланади. Патент вакили орқали талабнома берилганда ариза патент вакили томонидан имзоланади.

Имзолар, имзо қўювчи шахснинг фамилияси, исми-шарифини кўрсатилган ҳолда изоҳланади.

(15) Имзо қўйишни талаб қилган у ёки бу маълумотлар қўшимча варақ келтирилган ҳолларда, у ҳам шундай тартибда имзоланади.

Талабнома берувчи номига муҳофаза ҳужжати сўралаётган шахс ёки патент вакилининг имзоси ҳар бир қўшимча варақда бўлиши мажбурийдир.

3.2. Буюмнинг фотосурати, макети, расмлари тўплами

3.2.1. Фотосуратлар вазифаси

Буюмнинг ташқи кўринишини тасвирлайдиган фотосуратлар, талабнома берилган саноат намунаси тўғрисида тасвирий ахборотдан иборат бўлган асосий ҳужжатдир.

Фотосуратлар ҳуқуқий муҳофазаси ҳажмини белгилайдиган муҳим аломатлар мажмуини аниқлаш билан бирга буюмнинг ташқи кўриниши ҳақида тўлиқ, батафсил тасаввур ҳосил қилиши зарур.

3.2.2. Фотосуратларга қўйиладиган талаблар

(1) Талабномада буюмнинг умумий кўринишини оқ-қора тасвирдаги 3/4 ракурсда олди, чап, ўнг ва орқа томонидан, лозим бўлганда юқори, паст томонидан олинган фотосуратлари албатта бўлиши лозим.

Ясси саноат намуналари учун текисликдаги тасвири берилади.

Фотосуратларда тўқимачилик маҳсулотларининг ясси саноат намуналари такрорланувчи раппорт орқали тасвирланиши лозим.

Буюмлар тўплами (йиғма) умумий кўринишдаги фотосуратларда тўлиқ, яъни тўплам (йиғма)га кирувчи ҳамма буюмлар биргаликда берилди. Бундан ташқари, тўллам (йиғма)га кирувчи ҳар бир буюм қўшимча равишда алоҳида фотосуратда кўрсатилиши лозим. Махсус ҳолларда, агар буюмлар тўплами (йиғма)нинг умумий кўриниши битта фотосуратда берилиши мумкин бўлмаса, буюмлар тўплами (йиғма)нинг кўринишларини алоҳида фотосуратларда беришга рухсат этилади.

Саноат намунасининг ҳар бир вариантга алоҳида фотосуратлар тўплами берилиши лозим.

Тахланиши, ёпилиши, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўзгариши мумкин бўлган ва ҳ.к. буюмлар уларнинг очилган кўринишидаги фотосуратлари (масалан, холодильник, телефон будкаси) ёки йиғилган кўринишдаги фотосуратлари билан (масалан, ошхона комбайнлари, чанг ютгичлар) берилиши керак.

(2) Рангли тасвирдаги (бадий-рангли) ечимлар саноат намунасининг муҳим аломатларидан бири бўлган ҳолда буюм умумий кўринишининг бир дона рангли фотосурати, слайд ёки рангли ечим схемаси илова қилиниши лозим.

(3) Фотосуратлардаги тасвир аниқ ва тиниқ бўлиши лозим. Саноат намунасининг фотосуратлардаги алоҳида қисмлари фақат ёруғлик тушгандагина эмас, балки соя тарафидан ҳам яхши кўринган бўлиши керак.

Буюм бир текис ёруғликда нейтрал фонда бегона предметларсиз суратга олинган бўлиши керак.

3.2.3. Ўлчам

Фотосуратлар 180x240 мм ўлчамда тақдим этилади.

Кичик габаритли буюмлар ёки макетлар учун, масалан, қўл (чўнтак) соатлари, микрокалькуляторлар, чўнтак зажиғалкалари ва б.қ.лар учун 130x180 ёки 90x120 мм ўлчамдаги фотосуратлар берилиши мумкин.

3.2.4. Рақамлаш

Фотосуратлар қуйидаги тартибда рақамланади:

умумий кўриниши, бошқа кўринишлар, рангли фотосурат, энг яқин аналог фотосурати (агар талабнома берувчи томонидан берилган бўлса).
Бир кўриниш фотосурати бир хил рақам билан белгиланади.

3.2.5. Ёзувлар

Фотосуратларнинг орқа тарафига кетма-кет юқоридан пастга қараб фотосурат рақами, саноат намунасининг номи ва шунингдек *«умумий кўриниши»*, *«ён тарафдан кўриниши»*, *«олд тарафдан кўриниши»*, *«орқа тарафдан кўриниши»*, *«юқоридан кўриниши»* тушунтиришлар ва бошқалар кўрсатилади. Энг яқин аналог (талабнома берувчи томонидан берилган ҳолда) сифатида танлаб олинган буюм фотосуратининг орқа томонига фотосурат рақами ва буюм номидан ташқари *«энг яқин аналог»* деб ёзиб қўйиш шарт.

3.3. Саноат намунаси тавсифи

3.3.1. Тавсиф вазифаси

Саноат намунасининг тавсифи фотосуратларда тасвирланган буюмнинг ташқи кўринишини сўзлар билан ифодалаши керак.

3.3.2. Тавсиф тузилиши

Тавсиф саноат намунасининг номи билан бошланади, агар талабнома берилган саноат намунаси мансуб бўлган Саноат намуналари халқаро таснифининг (СНХТ)нинг рубрика индекси аниқланган бўлса, у ҳам кўрсатилади ва қуйидаги бўлимлар: саноат намунасининг вазифаси ва ишлатилиш соҳаси;

саноат намунаси аналоглари;

фотосуратлар ва саноат намунасини тасвирловчи бошқа материаллар (чизма, эргономик схема, конфекцион харитаси берилган бўлса) рўйхати;

саноат намунасининг моҳияти;

саноат намунасини кўп марта такрор ҳосил қилиш имконияти;

саноат намунасининг муҳим аломатлари мажмуини ўз ичига олади.

3.3.3. Саноат намунаси номи

Саноат намунасининг номи аниқ, қисқа ва конкрет бўлиб, унинг муҳофаза ҳажмига ва СНХТ га алоҳида ҳолларда шу соҳада қабул қилинган атамаларга мос келиши лозим. Буюмнинг номи унинг вазифасини (унинг бажарадиган функциясини) яъни келиб чиқиш тушунчасини ифодалashi лозим (масалан, *«Антенна»*, *«Зичлик ўлчагич»*, *«Трактор»*).

Буюмнинг номи ундан фойдаланиш соҳасини кўрсатиши, яъни кўринишини ифодалашни керак (масалан, *«қишлоқ хўжалик пахта териш машинаси»*). Зарур ҳолларда хусусий ва/ёки умумий тушунчадан кейин (масалан, *«қўл ўроғи»*) буюмнинг махсус вазифаси кўрсатилади (масалан, *«маккажўхорини йиғиш учун»*). Шундай қилиб ушбу саноат намунасининг тўлиқ номи - *«Маккажўхорини йиғиш учун қўл ўроғи»*.

Агар талабнома берувчи саноат намунасига муаллифнинг номини ёки бошқа бирор махсус ном бериш тўғрисида илтимоснома берса, тавсиф ва ариза шу ном билан тўлдирилиши керак. *«"Сигнал" даврий телевизион антенна»*, *«Дам олиш учун "Зульфия" мебель йиғмаси»*, *«Ичимлик сувини тозалаш учун "Аква" фильтри»*.

Саноат намунаси номига, шунингдек талабнома берувчи махсус ном бериш тўғрисида илтимоснома берганда реклама қилувчи иборалар ёки сўзли махсулот белгилари, оммавий буюмларнинг қисқартирилган белгиларига мос келувчи сўзлар ёки ҳарфлар бирикмасини, маҳаллий ва шева атамаларни қўллаш мумкин эмас.

Саноат намунаси номи бирликда баён этилади. Фақат кўпликда қўлланиладиган сўзлар (масалан, *«Совга шахматлари»*) ёки жуфт буюмлар номи ҳақида гапирилган ҳол бундан мустасно (масалан, *«Болалар уй пой-афзали»*).

Агар талабнома саноат намунаси вариантларига берилган бўлса, номи бирликда ифодаланади ва қавс ичида вариантлар сони кўрсатилади: *«Мунчоқ» (2 вариантда)*.

Агар талабнома буюмлар йиғмасидан иборат бўлган бадий-конструкторлик ечимларига берилган бўлса, саноат намунаси номида *«йиғма»*, *«комплект»* сўзлари киритилиши керак (масалан, *«Декоратив гиштлар йиғмаси»*, *«Ётқизиш учун модулли плиткалар тўплами»*).

3.3.4. Тавсиф бўлимларининг мазмуни

3.3.4.1. Саноат намунасининг вазифаси ва қўлланиш соҳаси

Таснифнинг ушбу бўлимида талаб қилинаётган саноат намунасининг вазифаси ва қўлланиш соҳаси тўғрисида маълумотлар берилади ва шунингдек кўпроқ қайси соҳада қўлланилиши кўрсатилади.

3.3.4.2. Саноат намунаси аналоглари

Таснифнинг ушбу бўлимида топилган аналоглар таърифи келтирилади ва улардан қайси бири талаб қилинаётган саноат намунасига энг яқинлиги (энг яқин аналог) кўрсатилади.

Саноат намунаси аналоглари бу талабнома берилган саноат намунаси ва устуворлик санасигача маълумотлардан маълум бўлган вазифаси

бир хил ва унга муҳим аломат бўйича ўхшаш буюмларнинг ташқи кўри-нишига оид бўлган бадий-конструкторлик ечимларидир.

Энг яқин аналог - бу аналоглар орасида талаб қилинаётган саноат намунасига муҳим аломатлари мажмуи бўйича энг ўхшаш бўлган аналог.

Ушбу бўлимда шунингдек, таркибида келтирилган аналоглар бўлган ахборот манбаларининг библиографик маълумотлари кўрсатилади.

Талабномада саноат намунаси вариантлари бўлганда, агар аналог-лардан ҳеч қайсиси бир вақтда ҳамма вариантлар учун энг яқин аналог бўла олмаса, ҳар бир вариант учун алоҳида энг яқин аналогни кўрсатиш мумкин.

3.3.4.3. Саноат намунасини тасвирловчи фотосуратлар ва бошқа материаллар рўйхати

Ушбу бўлимда рақамига мувофиқ равишда берилган фотосуратлар, чизмалар, схемалар, конфекцион хариталар, слайдлар санаб ўтилади ва ҳар бирида нима тасвирлангани қисқача кўрсатилади.

3.3.4.4. Саноат намунаси моҳияти

3.3.4.4.1. Саноат намунаси моҳиятини очиб берадиган маълумотлар

(1) Саноат намунасининг моҳияти унинг фотосуратларда тасвирланган муҳим аломатлар мажмуи билан характерланиб, талабнома берувчи томонидан кўрсатилган эстетик ва/ёки эргономик хусусиятлари билан маҳсулотнинг ташқи кўринишини белгилайди.

Маҳсулот ташқи кўринишининг шаклланишига таъсир этадиган хусусиятларга эга бўлган аломатлар муҳим аломатлар бўлиши мумкин.

Саноат намунасининг моҳиятини очиш учун унинг фотосуратларда, уларга (шунингдек маҳсулотнинг умумий кўриниши чизмасига, эрго-мик схемасига, конфекцион харитасига, агар улар бўлса) изоҳлар билан акс эттирилган муҳим аломатлар мажмуининг сўзлар билан ифодаланган тавсифи келтирилади. Бу ҳолда талаб қилинаётган саноат намунасининг энг яқин аналогдан фарқланувчи муҳим аломатлари ажратиб кўрсатилади.

Тавсифнинг ушбу бўлимида талаб қилинаётган саноат намунасининг эстетик ва эргономик хусусиятлари келтирилади ва муҳим аломатлар деб ҳисобланган аломатларнинг буюм ташқи кўринишининг шаклланишига таъсири тушунтириб берилади, башарти бу очик-ойдин кўриниб турган бўлмаса.

Эстетик хусусиятлар масалан, қуйидагилар:

композиция элементларини кетма-кет қабул қилиш имконини берувчи асосий белги атрофида ҳамма аломатларнинг бирлаштирилиши туфайли уларнинг асосий белгига бўйсунуши таъминланганда (катта узунликка эга бўлган объектлар учун);

машинанинг кучи ва қувватини ифодаловчи образ яратилганлигида (экскаватор учун);

машинанинг ташқи кўришини ноишлаб чиқариш, маиший характери ни ифодалашида (боғ-полиз экинлари минитрактори учун);

болаларнинг туғма камчилигини психологик компенсация қилиш мақсадидаги махсус вазифаси машинанинг образли характеристикасида яширилган (ногирон болалар учун велосибил);

ёшлар велокатининг спорт характери очилган ҳолда аттракцион - ўйин типидagi маҳсулотнинг яратилган образларида ифодаланиши мумкин.

Тавсифнинг шу бўлимида буюмнинг ташқи кўринишидаги хусусиятлари туфайли пайдо бўлган афзаллигини кўрсатилиши мумкин.

(2) Асбоб-ускуналар, станоклар ва шунга ўхшаш ҳажмли саноат намуналарининг ташқи кўринишини таърифлашда уларнинг эргономик хусусиятларини тасдиқлаш учун саноат намунаси сифатида талаб қилинаётган буюмнинг ишлаши ва/ёки фойдаланилишини, муҳим композицион ва функционал элементлари, қисмлар ва деталларининг ўзаро таъсирини кўрсатиш керак.

(3) Комплект (йиғма) нинг тавсифини беришда унинг таркибига кирадиган, умумий вазифасини амалга оширадиган функцияларни бажарувчи ҳамма буюмлар кўрсатилади. Буюмлар тўпламининг (йиғма) барча элементларининг бадий конструкторлик ечими ягона образдан, масалан, шакл яратишнинг пластик ва/ёки стилистик принципдан фойдаланиб бажарилиши лозим.

(4) Саноат намунаси моҳиятини очишда аломатлар буюмнинг ҳар хил формада бажарилишини характерлайдиган альтернатив тушунчалар кўринишида ифодаланиши мумкин эмас. Агар бирор аломатнинг амалга ошишини ҳар хил шакллари бошқа аломатлар билан биргаликда бир хил эстетик ва эргономик хусусиятларига эга бўлган буюмнинг ташқи кўришини белгиласа, саноат намунасининг шу аломатларни амалга ошириш шаклини характерлайдиган ҳар бири учун тааллуқли бўлган вариантлари тавсифланади.

(5) Талабномада саноат намунаси вариантлари бўлгани ва ҳамма вариантлар учун битта аналог бўлган ҳамда вариант аналогдан фақат фарқланувчи қисми билан фарқланса, битта вариантнинг муҳим аломатлар мажмуи тўлиқ очиб берилади, қолган вариантларнинг моҳияти тўлиқ тасвирланган вариантдан фарқини кўрсатиш орқали очиб берилади. Бошқа ҳолларда саноат намунасининг ҳар бир вариантини ушбу бўлимдаги (1) - (3) бандларда кўрсатилгани каби тўлиқ очиб берилади.

3.3.4.4.2. Бадий-конструкторлик ечимларни тавсифлаш учун қўлланиладиган аломатлар

(1) Асосида ҳажмли-фазовий структуралар бўлган мураккаб композицияли бадий-конструкторлик ечимларни (масалан станок, қишлоқ хўжалик машинаси, мотоцикл ва б.қ.) тавсифлаш учун қуйидаги аломатлар:

- композицион элементлар мавжудлиги;
- элементларнинг ўзаро жойлашиши;
- композицион элементларнинг шакли

қўлланилади.

(2) Моноблок композицияли буюм (масалан, телевизор, радио-приемник, шит асбоби, қутича)ларнинг бадий конструкторлик ечимларини ва шунингдек элементар геометрик ҳажмлар нисбати асосида қурилган ечим (масалан, секцияли мебел блок)ларни тавсифлаш учун қуйидаги аломатлар:

- композицион элементлар таркиби ва тақсимланиши;
- буюмнинг фронтал юзасида жойлашган элементларининг пластик, график, рангли ва фактура ечимлари

қўлланилади.

(3) Ясси композицияга эга бўлган бадий-конструкторлик ечимлар (масалан, газлама, рўмолча, рўмоллар)ни тавсифлаш учун хусусан қуйидаги аломатлар:

- орнамент элементларининг чизиқли-график нисбати;
- рангли ечими;
- фактура характери (газлама ипларининг тўқилиши);

қўлланилади.

(4) Кийимнинг бадий-конструкторлик ечимларини тавсифлаш учун хусусан қуйидаги аломатлар:

- моделнинг ҳажмли характеристикаси бўлган шакли;
- қисмларнинг ўзаро нисбатини белгилайдиган пропорциялар;
- моделнинг ясси характеристикаси бўлган силуэт;
- баъзи бир элементларнинг мутаносиб алмашинувини белгилайдиган ритм;
- кийим сиртининг бирор жойига ёпиштириладиган элемент, яъни детал, уларнинг шакли;
- безак, яъни буюмнинг ишлатиш манфаатдорлиги нуқтаи назаридан функционал аҳамиятга эга бўлмаган модел ечимида бир вақтнинг ўзида технологик ечим сифатида фойдаланиладиган ва декоратив вазифани бажарадиган элемент (масалан, кийим четига ишлов бериш, деталларни бирлаштирадиган чокларни мустаҳкамлаш ва б.қ.);

буюмнинг айрим қисмларини бирлаштириш ва ажратиш учун унинг тузилишига киритилган ва шу билан бирга декоратив элемент вазифасини бажарадиган фурнитура (тугмалар, илмоқлар ва б. қ.); материал

қўлланилади.

(5) Пойафзалнинг бадий-конструкторлик ечимларини тавсифлаш учун қуйидаги аломатлар:

колодканинг усти ва тагини ташкил этувчи элементлар (устки ва орқа томони, қўнжи, тагчарми ва б. қ.);

шу элементларнинг шакли;

уларнинг ўзаро жойлашиши;

материал;

безак деталлари;

фурнитура;

ранги

қўлланилади.

(6) Буюмлар тўплами (йиғма)нинг бадий конструкторлик ечимларини тавсифлаш учун тегишли буюмларнинг бадий конструкторлик ечимларини тавсифлаш учун фойдаланилган аломатлардан ташқари: қуйидаги аломатлар:

қисмларнинг ўзаро бир-бирига таъсир характери;

элементларнинг ўзаро боғлиқлиги;

бошланғич элементларнинг ва шу элементлардан фойдаланиш асо-сида яратилган буюмларнинг ва шунингдек бутун тўпلام (йиғма)нинг пропорционал ясалишини ифодаловчи

аломатлар қўлланилади:

(7) Ташқи кўриниши икки ҳолат билан аниқланадиган яъни ёпиқ (йиғилган) ва очик ҳолат билан кўрсатиладиган буюм (масалан, шкаф, холодильник, ёпиқ корпусдаги асбоб, телефон будкалари ва б. қ.)ларнинг бадий-конструкторлик ечимларини тавсифлашда буюмнинг ҳам ташқи кўриниш элементлари, ҳам ички ҳажмидаги элементлар и аломатлар бўлиши мумкин.

(8) Бадий-конструкторлик ечимни тавсифлашда аломат буюмнинг ташқи кўринишига ўхшашлигига ёки унинг элементининг бошқа мақсадда қўлланиладиган маълум буюмнинг ташқи кўринишига ўхшашлигига кўрсатма бериш йўли билан ҳам ифодаланиши мумкин.

3.3.4.5. Саноат намунасини такрор ва такрор ҳосил қилиш имконияти

Тавсифнинг ушбу бўлимида саноат намунасини такрор ва такрор ҳосил қилиш имкониятини тасдиқлаш учун технология ва буюмларни ишлаб чиқариш имкониятлари тўғрисида маълумотлар (корпус детал-

ларини тайёрлаш учун асосий материаллар, шу деталларни тайёрлаш технологияси, декоратив безак турлари, ишлатиладиган технологик асбоб-ускуналар ва саноат намунасини такрор ва такрор ҳосил қилишни тасдиқлайдиган бошқа зарурий маълумотлар) келтирилиши керак.

3.3.4.6. Саноат намунасининг муҳим аломатлари мажмуи

(1) Саноат намунасининг муҳим аломатлари мажмуи патент, даст-лабки патент берадиган сўралаётган ҳуқуқий муҳофаза ҳажмини (Қонуннинг 3-модда тўртинчи қисми) белгилайдиган фотосуратларда ифодаланган муҳим аломатлар мажмуини тўғри тушунтириш учун мўлжалланган.

(2) Муҳим аломатлар мажмуига одатда саноат намунаси моҳиятини очишда келтирилгандан кўра қисқачароқ ифодаланган муҳим деб ҳисобланган ҳамма аломатлар киритилади.

(3) Муҳим аломатлар мажмуига киритилган аломатлар, саноат намунасини моҳиятини очиб беришда фойдаланилган тушунчалар орқали ифодаланилиши лозим.

(4) Муҳим аломатлар мажмуига киритилган аломатлар буюмнинг ташқи кўринишини тургун ҳолатда характерлайдиган ҳолда баён этилади.

Буюм ташқи кўринишини тавсифлашда унинг бир шаклдан бошқа шаклга ўзгартирилиши, шакл элементларини ўз ҳолатини ўзгартириш имкониятига эга қилиб бажарилишини кўрсатиш мумкин.

(5) Саноат намунаси аломатлари муҳим аломатлар мажмуида шундай ифодаланиши керакки, мутахассис берилган тушунчаларнинг бир мазмунда тушуниладиган маъносига қараб буюм фотосуратида (макет, расм) кўрсатилган элементларни айнанлаштира олсин.

(6) Муҳим аломатлар мажмуидаги бирор аломатни тавсифлашда фотосуратга (макет, расмга) қаранг, ибораси билан бериш мумкин эмас, фақат ушбу банднинг (5) бандчаси талабини бузмаган ҳолда бундай кўрсатмасиз тавсифлаш мумкин бўлмаган ҳол бундан мустасно.

(7) Саноат намунаси муҳим аломатлари мажмуи одатда энг яқин аналог аломатлари билан мос келган муҳим аломатларни ва шунингдек вазифасини кўрсатувчи умумлаштира тушунчани ўз ичига олган чегараловчи қисм ва саноат намунасини энг яқин аналогдан фарқловчи муҳим аломатларни ўз ичига олган фарқланувчи қисмдан иборат.

Муҳим аломатлар мажмуининг чегараловчи қисми баён этилгандан сўнг «*фарқланади*» сўзи киритилади, фарқланувчи қисм эса «*мавжудлиги*» («*бажарилиши билан*» ва б.қ.) сўзи билан бошланиб, фарқланувчи муҳим аломатлар баён этилади.

Аналогларга эга бўлмаган саноат намунасини характерлайдиган муҳим элементларининг мажмуи чегараловчи ва фарқланувчи қисмларга бўлинмай тузилади.

(8) Талабномада саноат намунаси вариантлари мавжуд бўлган ҳолда муҳим аломатлар мажмуи таркибида ҳамма вариантлар учун умумий бўлган муҳим аломатлар (энг яқин аналог билан мос келувчи худди шундай фарқланувчи) бўлган қисм кўринишида баён этилади, шунингдек саноат намунаси вазифасини ифодаловчи тушунчадан кейин «1 вариант (2 ва б.қ.) мавжудлиги (бажарилиши ва б.қ.) билан характерланади» сўзлари билан аниқ кўрсатилган вариантга тегишли муҳим аломатлар келтирилади.

3.4. Чизмалар, схемалар

(1) Умумий кўринишнинг чизмаси, саноат намунаси моҳиятини очиш, унинг ўлчамларини, пропорционал нисбатларини аниқлаш учун зарур бўлганда тақдим этилади.

(2) Эргономик жиҳатдан ишлаб чиқиш кўзда тутилган саноат намунасига талабнома берилган ҳолда буюмнинг эргономик схемаси тақдим этилади.

(3) Чизмалар ва схемалар тавсиф матни билан қатъиян мос келиши керак.

(4) Чизма ёки схемада буюмнинг ва унинг қисмларининг фазовий ясалишини характерловчи ва асосий элементларнинг инсон фаолиятининг функционал зоналарида жойлашиши, буюмдан фойдаланишдаги қулайликлар тўғрисида фикр юритишга имкон берувчи ўлчам катталиклари (баландлик, кенглик, ахборот тарқатиш ва бошқарув органлари воситаларини жойлаштириш ўлчамлари, ишчи юзаси, яқин жойлашган шакл элементлари ва б.қ.) кўрсатилиши лозим.

(5) Чизма ва схемаларда асосий шакл ясовчи элементлар тавсифда белгиланганидек араб рақамлари билан кўрсатилади. Чизма ва схемалар сони бир нечта бўлганда уларда битта детални битта рақам билан кўрсатилади. Тавсифда берилмаган белгилар чизма(схема)ларда кўрсатилмайди ва аксинча.

(6) Чизма (схема)лардан чиқарилган чизиқлар аниқ бўлиши керак. Рақамли ва ҳарфли белгиларни қавс, доира, қўштирноқ ичида кўрсатиш мумкин эмас. Рақам ва ҳарфлар баландлиги 3,2 мм дан кам бўлмаслиги лозим.

(7) Чизма (схема)ларда зарур бўлган «очиқ», «ёпиқ» сўзларидан ташқари бошқа сўзлар бўлмаслиги лозим.

(8) Чизмадаги тасвир одатда тўғри бурчақли (ортогонал) проекцияларда (турли хил кўринишларда, қирқим ва кесимларда) берилиши керак. Чизмани аниқ кўриниши учун аксонометрик проекцияда бериш мумкин. Чизмадаги ҳар бир элемент, бошқа элементларга нисбатан пропорционал равишда бажарилади, элементни аниқ тасвирлаш учун пропорция ҳар хил бажариш талаб қилинган ҳоллар бундан мустасно.

(9) Чизманинг бир варағида бир неча фигура жойлаштирилиши мумкин, фақат улар бир-биридан аниқ чегараланган бўлиши керак. Агар икки ёки ундан ортиқ варақлардаги фигураларда битта шакл берилган бўлса, улар бирор қисмини тушириб қолдирмай шундай жойлаштириладики, натижада бирлаштирилганда битта тўлиқ фигурани ҳосил қилсин.

Чизма варағида фигураларни чизмани варақни ўнг томонига вертикал равишда узун томонига ўқий оладиган қилиб иложи борича зичроқ жойлаштирилади.

(10) Ҳар бир чизма тасвир кўринишидан қатъий назар тавсиф матнида баён этилиш тартибига қараб *расм 1, расм 2* деб рақамланади.

3.5. Конфекцион харита

Енгил sanoat буюмларига оид sanoat намунасига талабнома берилганда, унга зарур ҳолларда ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган буюмнинг конфекцион харитасини, яъни тўқимачилик, трикотаж материаллари, чарм, фурнитура, безак ва б.қ. намунаси илова қилинади.

Декоратив материаллар, гиламлар, газламалар намунаси суратнинг рамкалари катталигида берилади.

IV. МАН ҚИЛИНГАН ЭЛЕМЕНТЛАР

Талабномада: ахлоқ-одоб нормалари ва ижтимоий тартибга зид бўлган ифодалар, чизмалар, расмлар, фотосуратлар ва бошқа материаллар; маҳсулот ёки технологик жараёнларга, шунингдек, бошқа шахсларнинг талабнома ёки патентларига нисбатан беписанд иборалар; sanoat намунасига умуман тегишли бўлмаган ибора ва маълумотлар берилиши мумкин эмас. Тавсифнинг «*Sanoat намунаси аналог*и» бўлимида sanoat намуналарининг аввалдан маълум бўлган қамчилигини кўрсатиб ўтиш ман қилинган элементлар деб ҳисобланмайди.

V. АТАМАЛАР ВА БЕЛГИЛАР

Sanoat намунасининг тавсифи ва уни тушунтирувчи материалларда стандартлаштирилган атамалар ва қисқартиришлар, улар бўлмаган ҳолда илмий ва техник адабиётларда умумий қабул қилинган атамалар қўлланилади.

Адабиётларда кенг ишлатилмайдиган атама ва белгилардан фойдаланилганда матнда атаманинг маъносига биринчи марта қўлланилгандаёқ тушунтириш берилади.

Ҳамма шартли белгилар изоҳланади.

Тавсифда атамалар бирлигига амал қилинган, яъни тавсиф матнида битта аломат бир хил номланган бўлиши керак. Атамалар бирлиги талаби

физик бирликлар катталиги ва фойдаланилаётган шартли белгиларга ҳам тегишли.

Физик катталликлар амалдаги Халқаро бирликлар системаси бирликларида ифодаланади.

VI. ТАЛАБНОМА ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

6.1. Нусха кўчириш учун яроқлилиқ

Ҳамма ҳужжатлар чекланмаган миқдорда нусхалар олиш учун бевосита нусха кўчириш учун яроқлилиқ имкониятига эга ҳолда расмийлаштирилади.

Ҳар бир варақ фақат бир тарафдан қаторларни варақнинг кичик томонига параллел жойлаштирилган ҳолда ишлатилади.

6.2. Ишлатиладиган материал

Талабнома ҳужжатлари силлиқ, оқ, ялтироқ бўлмаган қоғозда расмийлаштирилади. Фотосуратлар ялтироқ бўлмаган фотоқоғозда ишланади.

6.3. Айрим варақлар, варақларнинг ўлчови

Талабноманинг ҳар бир ҳужжати алоҳида варақдан бошланади. Варақлар ҳошияларининг ўлчами (мм):

юқоригиси - 20-40;

ўнг ва паст томондаги - 20-30;

чап томондаги - 25-40

бўлган 210 x 297 мм форматга эга.

Чизмалар берилган варақда фойдаланилган юза 170 x 262 мм бўлганда ҳошиялар:

юқоригиси ва чап томондагиси - 25;

ўнг томондагиси - 15;

пастдагиси - 10 мм дан кам бўлмаслиги керак.

Бу варақларнинг фойдаланилган ёки фойдаланишга яроқли юзаларининг четига рамка керак эмас.

6.4. Варақларни рақамлаш

Ҳар бир ҳужжатда иккинчи ва ундан кейинги варақлар араб рақамлари билан рақамланади.

6.5. Матнинг ёзилиши

Ҳужжатлар қора рангли шрифтда ёзилади. Матн бош ҳарф баландлиги 2,1 мм дан кам бўлмаган ҳолда 1,5 интервал орқали ёзилади.

График белгилар, лотин тилидаги номлар, лотин ва грек ҳарфлари қора рангли сиёҳ, туш ёки паста билан ёзилади.

6.6. Библиографик маълумотлар

Ахборот манбаларининг библиографик маълумотлари улар бўйича ахборот манбаини топиш мумкин бўладиган қилиб келтирилади.

VII. АМАЛГА КИРИТИШ

Ушбу Қоидалар расмий чоп этилган санадан бошлаб амалга киритилади.

Ушбу Қоидалар амалга киритилган санадан бошлаб, Давлат патент идораси директори томонидан 1992 йил 22 сентябрдаги 1-сонли буйруқ тасдиқланган «Саноат намуналарига талабнома тузиш ва топшириш қоидаси» ўз кучини йўқотади.

(22) Келиш санаси	Кириш №	(21) Давлат қайд №
Устуворлик санаси	(51) СНХТ	
Саноат намунасига патент, дастлабки патент бериш тўғрисида (кераксиз ўчирилсин) А Р И З А Қуйидаги имзо чекувчи (лар) (71) Талабнома берувчи(лар)		Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига 700047, Ташкент ш., Тўйтепа кўчаси, 2а уй тел.: 132-00-18, факс: 133-45-56
Қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиб		КТУТ бўйича ташкилот коди
Номига патент, дастлабки патент беришингизни сўраймиз (кераксиз ўчирилсин). (Талабнома берувчи ва номига муҳофаза ҳужжати сўралаётган шахснинг номи ёки номланиши ва яшаш жойи ёки жойлашган жойи тўлиқ кўрсатилади. Муаллиф талабнома берувчиларнинг манзили тўғрисидаги маълумотлар 97 код остидаги графада келтирилади).		(агар ўрнатилган бўлса) БИМТ ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди
<input type="checkbox"/> Саноат намунасининг устуворлигини қуйидаги санадан белгилашингизни сўрайман (сўраймиз): <input type="checkbox"/> Париж конвенциясига аъзо мамлакатда берилган биринчи талабнома бўйича <input type="checkbox"/> Патент идорасига илгарироқ келиб тушган талабнома санасидан <input type="checkbox"/> Айнан ўхшаш талабноманинг Патент идорасига келиб тушган санасидан <input type="checkbox"/> Илгарироқ берилган талабномага қўшимча материаллар келиб тушган санадан (Талабноманинг Патент идорасига келиб тушган санасидан илгарироқ устуворлик сўралганда тўлдирилади)		
(31) Илк, илгарироқ берилган, айнан ўхшаш талабнома рақами	(32) Сўралаётган устуворлик санаси	(33) Топширилган мамлакатнинг ST. 3 бўйича коди (конвенция устуворлиги сўралганда)
1. 2. 3.		
(54) Саноат намунасининг номи		
ФТДК ва ш.к. муаммоси (мавтуси) шифри		
(74) Патент вакили (тўлиқ исми-фамилияси, қайд рақами, манзилгоҳи)		
Телефон:	Телекс:	Факс:
(98) Ёзишмалар учун манзилгоҳ (хат олувчининг тўлиқ манзилгоҳи, исми-фамилияси ёки номланиши)		
Телефон:	Телекс:	Факс:

Илова қилинган ҳужжатлар рўйхати:	1 нусхадаги в-қ-лар сони.	нусхалар сони.	Талабнома бериш ва муҳофаза ҳужжатини олиш учун ҳуқуқ берадиган асос (ҳужжат тақдям этмасдан): <input type="checkbox"/> талабнома берувчи иш берувчи ҳисобланади ва Қонуннинг 9 бандига амал қилинган ҳуқуқ иш берувчи томонидан бошқа шахсга ўтказилган <input type="checkbox"/> ҳуқуқ муаллиф ёки унинг вориси томонидан бошқа шахсга ўтказилган <input type="checkbox"/> ворислик ҳуқуқи
<input type="checkbox"/> саноат намунасининг тавсифи (вариантлар сони)			
<input type="checkbox"/> буюм (макет, расм)нинг фотосуратлар тўплами			
<input type="checkbox"/> буюмнинг умумий кўриниш чизмаси (чизмалари)			
<input type="checkbox"/> эргономик схема			
<input type="checkbox"/> талабнома топшириш учун бож тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат			
<input type="checkbox"/> қуйидаги асослар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат:			
<input type="checkbox"/> бож тўлашдан озод этиш			
<input type="checkbox"/> бож миқдорини камайтириш			
<input type="checkbox"/> дастлабки талабнома(лар) нусхаси (конвенцион устуворлик сўралган ҳолда)			
<input type="checkbox"/> талабнома таржимаси			
<input type="checkbox"/> патент вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат			
<input type="checkbox"/> бошқа ҳужжатлар (кўрсатилсин)			
(72) Муаллиф(лар) (фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, илмий даражаси ва иш жойи)	(97) Тўлиқ манзилгоҳи (вилоят, шаҳар, туман, кўча, уй, хорижий-лар учун ВОИС ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди)	Муаллиф(лар) имзоси, сана	
<p>Мен (биз)</p> <p>_____</p> <p>(тўлиқ исми-фамилияси)</p> <p>_____</p> <p>муҳофаза ҳужжати бериш тўғрисида маълумотлар нашр этилганда мени (бизни) муаллиф(лар) сифатида кўрсатмаслигингни сўрайман (сўраймиз)</p> <p>Муаллиф(лар) имзоси:</p>			
<p>Имзо</p> <p>_____</p> <p>Талабнома берувчи(лар) ёки патент вакили, номига муҳофаза ҳужжати сўралган шахс имзоси; имзо(лар) қўйилган сана</p> <p>(юридик шахс номидан қўйилган раҳбар имзоси муҳр билан тасдиқланади)</p>			

**Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарини
патентлаш, маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш
белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун
БОЖЛАР(кўчирма)**

Бож коди	Божлар номи	Божлар	
		Минимал иш ҳақи ҳисобида	АҚШ доллари ҳисобида
1	2	3	4
I. Топпириш бождари			
1.1	Саноат намунасига патент, дастлабки патент бериш сўралган талабнома топпириш учун	0,5	300
1.1.1	Саноат намунасининг қўшимча ўн-тагача вариантларига талабнома топпириш учун,	0,25	150
1.1.2	- қўшимча ўнтадан юқори вариантга	0,5	300
1.2	Конвенцион устуворликни сўраш учун (талабномани Париж конвенциясида белгиланган муддатдан кеч топпириган ҳолда)	0,25	150
II. Давлат илмий - техника экспертизаси			
2.1	Саноат намунасига топпирилган талабномага, расмий экспертизани муддатидан илгари бошлаш ҳақида расмий илтимоснома берилганидан кейин ёки талабнома топпирилган санадан 2 ой муддат ўтганидан кейин ўзгартиришлар ва тузатишлар киритиш учун	0,25	150
2.2	Саноат намунасига дастлабки патент сўраб берилган талабномага давлат экспертизаси ўтказиш учун	1,0	300

1	2	3	4
2.3	Саноат намунасига дастлабки патент сўраб берилган талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш учун, саноат намунаси вариантларининг биттадан ортиқ кейинги ҳар қайси объекти учун	0,25	75
2.4	Саноат намунасига дастлабки патент сўраб берилган талабномани, талабнома топширилган санадан 2 ой муддат ўтмасдан давлат экспертизаси ўтказиш учун, (тезлаштирилган экспертиза)	3,0	900
2.5	Саноат намунасининг муҳим аломатлари рўйхатиغا экспертиза бошланганидан кейин ўзгартиришлар киритиш учун	0,25	150
2.6	Саноат намунасига топширилган талабномани моҳиятан экспертизадан ўтказиш учун:	1,5	900
2.6.1	- агар саноат намунасининг талабномасига қўшимча, 10 тагача вариантдан иборат бўлса,	0,5	300
	- қўшимча 10 та вариантдан юқори бўлса	1,0	600
III. Рўйхатга олиш, нашр қилиш ва муҳофаза ҳужжатларини бериш, уларни амалда сақлаб туриш			
3.1	Рўйхатдан ўтказиш, нашр қилиш, саноат намунасига патент (дастлабки патент) бериш учун	2,0	1200
3.2	Муҳофаза ҳужжатларини амалда сақлаб туриш учун божлар:		
3.2.1	- саноат намунасига дастлабки патентлар бўйича, ҳар йили	1,0	600
3.2.2	- саноат намунасига патентнинг 3-йил амал қилиши учун	0,5	300
	4-7-йилларда ҳар бир йили учун -	0,75	450
	8-10-йилларда ҳар бир йили учун	1,0	600

1	2	3	4
3.3	Саноат намунасига патентнинг амал қилиш муддатини узайтиришнинг ҳар бир йили учун	1,5	900
IV. Бошқа божлар			
4.1	Экспертиза саволларига жавоб бериш муддатини узайтиришнинг ҳар бир ойи учун:		
4.1.1	- белгиланган муддат тугаганидан 6 ой ичида;	0,1	60
4.1.2	- белгиланган муддат тугаганидан 6 ойдан 12 ой ичида;	0,5	300
4.1.3	- белгиланган муддат тугаганидан 12 ой ўтгач;	1,0	600
4.2	Талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатни тиклаш учун	1,0	600
4.3	Берилган муҳофаза ҳужжати (талабнома берувчининг айбига қўра) тузатишлар ва ўзгартишлар киритиш ҳақидаги расмий илтимоснома бериш учун	0,25	150
4.4	Патент эгасининг талабига қўра саноат намунасига берилган муҳофаза ҳужжатининг нусхаси (дубликати)ни бериш учун	1,0	600
4.5	Апелляция кенгашига:		
4.5.1	- расмий (дастлабки) экспертизанинг муҳофаза ҳужжати беришни рад этиш ҳақидаги қарорига эътироз	0,5	300
4.5.2	- моҳиятан экспертиза натижаларига қўра муҳофаза ҳужжати беришни рад этиш ҳақидаги қарорга эътироз	1,0	600
4.5.3	- муҳофаза ҳужжатининг берилиши-шига қарши эътироз топшириш учун	1,0	600

1	2	3	4
4.6	Лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш учун:		
4.6.1	- саноат намунасининг битта патенти ёки дастлабки патентига оид шартнома учун тўланадиган бож миқдори:	1 ва қўшимча 0,5 - шартномада кўзда тутилган биттадан ортиқ ҳар бир патент, дастлабки патент учун	300 ва қўшимча 150 шартномада кўзда тутилган биттадан ортиқ ҳар бир патент, дастлабки патент учун
4.6.2	- патент, дастлабки патентга эгалик ҳуқуқини ўтказиш ҳақида	1,5 шартномада кўзда тутилган ҳар бир патент, дастлабки патент учун	450 шартномада кўзда тутилган ҳар бир патент, дастлабки патент учун
4.7	Патент ёки дастлабки патентга эгалик ҳуқуқини ўтказиш ҳақидаги рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасига ўзгартишлар киритиш учун	0,25	150
4.8	Саноат намунасига талабномани топширгандан то рўйхатдан ўтказилгунча бўлган даврда патент, дастлабки патентга ҳуқуқни ўтказиш ҳақидаги аризани топшириш учун	0,75	225

1	2	3	4
4.9	Хохлаган шахсга саноат мулки объектдан фойдалаиш учун ҳуқуқни бериш (очиқ лицензия) ҳақидаги аризани топшириш ва бундай ариза ҳақидаги маълумотни чоп этиш учун	0,1	30
4.10	Турли хилдаги расмий илтимоснома ва аризаларни топшириш учун	0,25	150

**Ўз Р Давлат патент идорасининг патент-ахборот ва
бошқа турдаги хизматларига
МУВАҚҚАТ ТАРИФЛАР
(кўчирма)**

№	Хизматлар номи	Энг кам масш миқ- дориди кў- шимча қиймат со- лиғини ҳи- собга олган ҳолда	Хорижий талабнома берувчилар учун АҚШ долларида
1	2	3	4
1. Маслаҳатлар ва музокаралар			
1.1	Саноат намунасига талабнома тузиш ва топшириш масалалари бўйича оғзаки мас-лаҳатлар бериш: - бир соатлик маслаҳат учун; - ҳар бир тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган соат учун бир соат тарифи миқдорининг 0,8 улуши	1,2	17
1.2	«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига биноан саноат намунасининг ташқи кўринишини муҳофазалашга лаёқатлилигини мутахассисни фикрини берган ҳолда дастлабки баҳолаш ўтказиш учун: - 10 кун мобайнида - 3 кун мобайнида	1,8 3	21,6 36
1.3	Саноат намунасининг бир объектига барча муҳим белгилар мажмуини тузиш бўйича услубий ёрдам кўрсатиш учун - саноат намунасининг бир объектига тавсиф тузиш бўйича услубий ёрдам кўрсатиш учун	6 3	72 36

1	2	3	4
1.4	<p>Топширилган талабнома бўйича талабнома берувчининг илтимосига биноан талабнома берувчи ёки унинг вакили иштирокида бир соат мобайнида музокаралар, эксперт кенгашлари ўтказиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бир соат атрофида музокаралар ўтказиш учун - бир соат атрофида эксперт кенгаши ўтказиш учун - навбатдаги ҳар бир тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган соат учун 1 соат тариф миқдорининг 0,8 улуши 	<p>1,2</p> <p>4,8</p>	<p>14,4</p> <p>57,6</p>
1.5	Интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни болиқага ўтказиш шартномалари ва лицензия шартномаларини тузиш бўйича оғзаки маслаҳатлар бериш учун	2	36
1.6	<p>Шартномалар тузишда музокаралар ўтказиш учун</p> <ul style="list-style-type: none"> - Патент идораси ҳудудида (1 соат) - экспертни чақирилган жойга бориши билан (1 соат) 	<p>2</p> <p>4</p>	<p>24</p> <p>48</p>
1.7	Лицензия нарҳини аниқлаш бўйича оғзаки маслаҳатлар бериш учун	10	120
<p>2. Қидирув ва изланишлар Мутахассис фикри, баҳолаш ва хулоса</p>			
2.1	<p>УзР Давлат патент идораси патент фонди бўйича фирмага ёки номга оид қидирув ўтказиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 1 йил учун - ҳар бир навбатдаги йил учун бир йил тарифи миқдорининг 0,8 улуши 	1,5	10,5

1	2	3	4
2.2	<p>Саноат намунасига талабнома бўйича бир объект учун СНХТнинг бир синфи доирасида навбатдан ташқари патент-ахборот қидирувини ҳисобот тақдим этиш билан ўтказиш учун:</p> <p>Дастлабки патент - бир ой мобайнида - икки ҳафта мобайнида</p> <p>Патент - бир ой мобайнида - икки ҳафта мобайнида</p>	<p>6 9 18 25</p>	<p>72 108 216 300</p>
2.3	<p>Систематик қидирувни ҳужжатлар рўйхатини тузиш (патент идоралари кўрсаткичлари бўйича) билан ўтказиш учун 1 мамлакат/1 индекс/1 йил</p>	0,12	1,5
2.4	<p>Патент аналогларини рефератив даврий нашрлар (Жаҳон мамлакатлари ихтиролари) бўйича қидирувини ўтказиш учун 1 мамлакат/1 нашр/1 йил</p>	0,01	0,12
2.5	<p>Патент аналогларини ЎзР Патент идорасининг патент бюллетенлари бўйича қидирувини ўтказиш учун 1 сон/1 йил/1 индекс</p>	0,01	0,12
2.6	<p>Патент аналогларини ҳорижий патент идоралари патент бюллетенлари бўйича қидирувини ўтказиш учун</p>	0,01	0,12

1	2	3			4		
3. Саноат намуналарининг экспертизаси							
		Мураккаблик тоифаси			Мураккаблик тоифаси		
		I	II	III	I	II	III
3.1	<p>Республика патент кутубхонаси ёки Халқаро қидирув органи томонидан тан олишни амалга оширган, қидирув тўғрисида ҳисоботи бор бўлган, саноат намунасига патент беришга талабномани патентга лаёқатлилигини навбатдан ташқари тадқиқ қилиш учун:</p> <p>- икки ҳафта мобайнида</p> <p>- бир ҳафта мобайнида</p>	6	8	13	72	96	156
3.2	<p>Саноат намунасига дастлабки патент ёки патент беришга талабномалар бўйича илтимоснома топширилган санадан бошлаб 3 кун мобайнида талаб қилинаётган тақлифни саноат мулки объектларига мувофиқлигини (расман) навбатдан ташқари тадқиқ қилиш учун</p>	0,7			8,5		
3.3	<p>Лицензия шартномалари ва ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни навбатдан ташқари кўриб чиқиш ва қайд қилиш учун:</p> <p>- бир ҳафта мобайнида</p>	5			60		

1	2	3			4		
4. Талабномаларни тузиш; ўзгартишлар, тўғрилашлар киритиш; интеллектуал мулк объектига тавсифлар, лицензия шартномаларини тузиш; услубий ёрдам							
		Мураккаблик тоифаси			Мураккаблик тоифаси		
		I	II	III	I	II	III
4.1	Мураккаблик тоифасига мувофиқ равишда бадий-конструкторлик ечимнинг I объектига саноат намунасига талабнома тузиш ва расмийлаштириш бўйича услубий ёрдам кўрсатиш учун	3,5	10	17	42	120	204
	- саноат намунасининг навбатдаги ҳар бир объекти учун	биринчи объект учун тариф миқдорининг 0,8 улуши					
	- саноат намунасининг навбатдаги ҳар бир варианти учун	биринчи вариант учун тариф миқдорининг 0,25 улуши					
4.2	Саноат намунасининг битта объектга ёзма равишда талабнома материалларини тузиш ва расмийлаштириш учун	23	40	58	276	480	700
4.3	Саноат намунасининг битта объекти бўйича ёзма равишда тавсиф тузиш учун	15	22	26	180	264	312
	- саноат намунасининг навбатдаги ҳар бир варианти учун	биринчи вариант учун тариф миқдорининг 0,25 улуши					
4.4	Саноат намунасига ариза бланкасини расмийлаштириш учун	0,25			3		
4.5	Талабнома берувчиларга техник ташувчилардаги услубий материалларни тақдим этиб, услубий ёрдам кўрсатиш учун	1			12		
4.6	Саноат намуналари бўйича шартномалар тузиш учун:						
	- лицензия	15			180		
	- ҳуқуқни ўтказиш	10			120		

1	2	3	4
5. Талабномалар, муҳофаза ҳужжатлари, маълумотномалар, кўчирмалар, ксеронусхалар бериш			
5.1	Янглиш тўланган патент тўлови ёки тарифни қайта ҳисоблашга илтимоснома бериш учун	0,5	6
5.2	Интеллектуал мулк объектлари бўйича қарор қабул қилингунга қадар уларни мақоми, бож тўлаш, иш юритиш масалалари бўйича маълумотнома бериш учун 1 талабнома бўйича-1 маълумот	1	12
5.3	Интеллектуал мулк объектлари бўйича, уларни мақоми, бож тўлаш, иш юритиш масалалари бўйича маълумотнома бериш учун: 1 талабнома бўйича – 1 маълумотнома	1,2	15
5.4	Интеллектуал мулк объектларига муҳофаза ҳужжатларини навбатдан ташқари бериш учун: - 3 кун мобайнида	1,2	15
	- 1 кун мобайнида	2,2	28
5.5	Объектлар бўйича реестр варағидан кўчирмалар бериш учун	1,2	15
5.6	Патент вакили реестр варағидан кўчирмалар бериш учун	1,2	15
5.7	Саноат мулк объектига бўлган ҳуқуқини интеллектуал мулк Давлат фондига ўтказган муаллифга гувоҳнома бериш учун: - бир ой мобайнида	0,5	6
	- бир кун мобайнида	1,2	15

1	2	3	4
5.8	Фактографик маълумотномани тузиш: - муҳофаза ҳужжатининг рақами бўйича талабнома рақамини аниқлаш: 1 ҳужжат - турли мамлакатларнинг патент ҳужжатлари фонди тўғрисидаги маълумотлар: 1 ҳужжат	0,04 0,1	0,5 1
5.9	ЎзР нинг қонунчилик аклари бўйича маълумотнома тузиш: 1 ҳужжат (шарҳсиз)	0,12	1,5
5.10	Интеллектуал мулк ва унга тегишли муаммоларни муҳофазалаш масалалари бўйича библиографик кўрсаткичлар тузиш	Шартномавий баҳо	
5.11	Илтимоснома келиб тушган санадан бошлаб 15 кун мобайнида (устуворлик ҳужжати) талабнома нусхасини тайёрлаш ва тасдиқлаш: - бир талабнома бўйича битта нусха учун - агар барча нусхалар бир вақтнинг ўзида тайёрланса навбатдаги ҳар бир нусха учун - нусхаларни тез тайёрлаш ва тасдиқлаш учун	2,2 1,8 4,4	28 22 56
5.12	«Расмий ахборотнома»да чоп этилган материаллардан талабнома берувчига ёки у ишонган шахсга нусха тақдим этиш: - бир саҳифа учун	0,016	0,20
5.13	Талабнома берувчи ёки у ишонган шахсга талабнома материалларидан ҳужжатлар нусхасини тақдим этиш: - бир саҳифа учун	0,06	0,8

1	2	3	4
5.14	<p>Экспертиза хулосасига тегишли ҳужжатлар дубликатини талабнома берувчига ёки у ишонган шахсга тақдим этиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бир саҳифа учун - ҳар бир навбатдаги саҳифа учун тариф биринчи саҳифа тарифи миқдорининг 0,5 улушига тенг коэффициентга ошиб боради 	0,06	0,8
6. Апелляция кенгаши			
6.1	<p>Талабнома берувчи, эътирознома топширган шахсга ёки уларнинг вакиллариغا ЎзР Давлат патент идораси (ДПИ) Апелляция кенгаши томонидан кўрсатилган шахсга юборилган ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси (дубликат) ни тақдим этиш учун</p>	2,4	30
6.2	<p>Талабнома берувчига, эътирознома топширган шахсга ёки уларнинг вакиллариغا ЎзР ДПИ Апелляция кенгаши томонидан эътирозни кўриб чиқишда фойдаланилган илова материаллар нусхасини топшириш, шунингдек, талабнома эгасига унинг талабномаси материалининг нусхасини топшириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ҳар бир саҳифа учун 	0,06	0,8
6.3	<p>Талабнома берувчининг илтимосига кўра Апелляция кенгаши ҳайъати мажлисида эътирозини кўриб чиқишнинг белгиланган муддатини тезлаштириш ёки кўчириш: ҳар бир ой учун</p>	4,8	58

1	2	3			4		
7. Бошқа хизматлар							
7.1	Талабнома рақами асосида муҳофаза ҳужжатини рақамини аниқлаш учун	0,2			2,5		
		Мураккаблик тоифаси			Мураккаблик тоифаси		
		I	II	III	I	II	III
7.2	Саноат намунасининг бир объекти бўйича умумий кўриниш тасвирини тайёрлаш учун	5	8	11	60	96	132
	Ҳар бир қўшимча кўриниш тасвири учун	3	4	6	36	48	72
	- саноат намунасининг кейинги ҳар бир варианты учун	Биринчи вариант учун тариф миқдорининг 0,25 улуши Биринчи вариант учун тариф миқдорининг 0,8 улуши					
	- кейинги ҳар бир вариант учун						
7.3	Саноат намунасининг битта объекти бўйича ташқи кўриниш чизмасини тайёрлаш учун	2,3	3,5	5,2	27,6	42	62,4
	Кийим буюм андоза чизмаси – конструкция лекалосини тайёрлаш учун	1,7	2,3	3,5	20,4	27,6	42
7.4	Саноат намунасининг бир объекти бўйича эргономик схемасини ишлаб чиқиш учун	-	-	3,8	-	-	45,6
7.5	Интеллектуал мулкни муҳофазалаш ва бошқа муаммо масалалари бўйича ахборотни танлаб тақсимлаш учун	Шартномавий баҳо					
7.6	Таржима учун (оғзаки ва ёзма): бир босма табоқ (машинка ёзувида 20 бет - 1 ой) учун						
	- Фарбий Европа тилларидан рус тилига ёзма равишда	10			125		
	- рус тилидан Фарбий Европа тилларига ёзма равишда	20			250		

1	2	3	4
7.7	<p>Фойдаланувчиларнинг дастлабки бю- юртмалари юзасидан патент ҳужжат- ларини мавзу бўйича танлаш (телефон, факс ва хат бўйича):</p> <ul style="list-style-type: none"> - қоғоздан: бир ҳужжат - микроташувчилардан танлаш: бир ҳужжат - патент-ҳуқуқий ҳужжатлардан танлаш: бир ҳужжат 	<p>0,01</p> <p>0,02</p> <p>0,01</p>	<p>0,12</p> <p>0,24</p> <p>0,12</p>
7.8	<p>Маълумотлар базаси билан ишлаш жараёнида принтердан чиқариш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - патент-ҳуқуқий адабиётнинг библио- график рўйхати: - 1 бет - патент вақили рўйхатидан: - 1 бет - ҳужжатларнинг библиографик маълу- мотларидан: - 1 бет - 1 ҳужжат 	<p>0,03</p> <p>0,03</p> <p>0,03</p> <p>0,02</p>	<p>0,4</p> <p>0,4</p> <p>0,4</p> <p>0,3</p>
7.9	<p>Маълумотлар базасидан дискетларда CD-ROM дискларига ҳужжатлардан нусха кўчириш (1 файл-700 кбайт-4 бет: 1 бет – 150 кбайт):</p> <ul style="list-style-type: none"> - 1 файл (1 бет) - 1 диск/1 талабнома 	<p>0,03</p> <p>0,1</p>	<p>0,4</p> <p>1</p>
7.10	<p>Дискетдан ҳужжатлар нусхасини кўчи- риш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 1 бет 	<p>0,03</p>	<p>0,4</p>
7.11	<p>Патент ҳужжатлари бўйича амалий машғулотлар ўтказиш учун:</p> <p>1 киши / 1 соат</p>	<p>0,08</p>	<p>1</p>
7.12	<p>Номга, мавзуга, рақамга оид патент қидируви ўтказиш бўйича амалий машғулот учун:</p> <p>1 киши/соат</p>	<p>0,12</p>	<p>1,5</p>

1	2	3	4
7.13	Ксероксда нусха кўчириш: - микроташувчилардан - китоб нашридан	0,016 0,016	0,2 0,2
7.14	Компьютер техникаси ёрдамида sanoat намунасини mavjud standartlarгача etказиш: - rangли tasvirда; - oқ-qora tasvirда	4 2	48 24
7.15	Sanoat namunasining nomini rus tilidan uzbek tiliga va uzbek tilidan rus tiliga tarjima қилиш uchun: - битта ном	0,08	1

Мундарижа

1	СЎЗ БОШИ.....	3
2	ИХТИРОЛАР, ФОЙДАЛИ МОДЕЛЛАР ВА САНОАТ НАМУНАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ.....	5
3	САНОАТ НАМУНАСИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАТЕНТИ, ДАСТЛАБКИ ПАТЕНТИНИ БЕРИШ УЧУН ТАЛАБНОМА ТУЗИШ ҚОИДАЛАРИ.....	30
4	ИХТИРОЛАР, ФОЙДАЛИ МОДЕЛЛАР, САНОАТ НАМУНАЛАРИНИ ПАТЕНТЛАШ, МАҲСУЛОТ БЕЛГИЛАРИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЕЛГИЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТҚАЗИШ УЧУН БОЖЛАР (кўчирма).....	52
5	ЎЗР ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИНING ПАТЕНТ-АХБОРОТ ВА БОШҚА ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАРИГА МУВАҚҚАТ ТАРИФЛАР (кўчирма).....	57

Бош муҳаррир
Бош муҳаррир муовини

Азимов А.А.
Гребенюк Т.В.

Муҳаррир
Тех. муҳаррир
Макет учун масъул

Нурматова М.С.
Эргашева М.Р.
Вапаева Г.С.

Босишга рухсат этилди 12.06.2001. Қоғоз бичими 60x841/16.
Офсет қоғози. Ҳажми 4,25 б.т. Шартли босма табоқ 3,95
Шартли бўёқ нусхаси 4,06. Адади 50. Келишилган нархда.

ЎзР ФТДК, Давлат патент идораси
7000047, Тошкент, Тўйтепа кўчаси, 2а-уй.

«PATENT-PRESS» TEZKOR NASHR QILISH MARKAZI SHO'BA
KORXONASIда чоп этилган.

